Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

4-йил чиқиши

11 НОЯБРЬ 1969 й.
СЕШАНБА
№ 264 (1027).
БАҲОСИ 2 ТИЙИН

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

● Шаҳримиз янгиликлари



Александр Буранов қурилишда электр пайвандчи бўлиб ишлайди. У шу кунларда В. И. Ленин номли ҳнёбонинг сув ҳавзаси қурилишида фидокорона меҳнат қилаётир.

ЯНГИ ЦЕХЛАР

Тошкентдаги 2-тикувчилик фабрикасининг чеварлари янги бинога кўчиб ўтадилар. Улар меҳнат қиладиган янги бино кенг ва ёруғ цехлардан иборат бўлади. 4-давлат лойиҳа институтининг архитектори Л. Петушков ва инженер А. Анисимов раҳбарлигида янги ишлаб чиқариш биносининг лойиҳаси тайёрланди.

Тўрт қаватли бинода тикувчилик цехлари жойлашади. Ҳар бир чеварнинг ишлайдиган жойи саноат эстетикаси қоидаларига риоя қилинган ҳолда тузилган. Қурувчилар бинонинг пойдеворини ётқизиб, асосий блокларни монтаж қилишга киришдилар. Корхона ёнгинасида Шота Руставели кўчасининг жамолини очадиган маъмурий ва маиший хизмат кўрсатиш корпуси ҳам қад кўтаради.

ЯНГИ АЛОҚА БЎЛИМЛАРИ

Чилонзор массивида кейинги пайтларда жуда кўп уйлар қурилиб фойдаланишга топширилди. Айни пайтда янги уйларга кўчиб борган аҳолига алоқа хизмати ташкил этилмоқда.

14-кварталдаги 2-уйда 173-алоқа бўлими очилди. Унинг ходимлари аҳолига хизмат кўрсата бошладилар. 175-алоқа бўлими эса 21-кварталдаги 26-уйда ташкил қилинди.

Бундан ташқари Чилонзордаги бир қатор алоқа бўлимларда шаҳарлараро телефон алоқасининг аппаратлари ўрнатилмоқда.

● Тошкент — жаҳонга

КУБА ФАРЗАНДЛАРИ УЧУН

Тошкент консерва заводининг маҳсулотлари мамлакатимизнинг қардош республикаларида ва ҳатто чет элларда ҳам истеъмолчиларга манзур бўляпти. Кейинги йилларда Москва шаҳрида ўтказилган кўрикда Тошкент консервалари мутахассисларнинг муносиб баҳосини олишга сазовор бўлди.

Яқинда сабзавотдан тайёрланган салатлар, помидор, бодринг консервалари Новосибирск ва Қозоғистонга юборилди.

Озодлик ороли Кубанинг фарзандларига яқинда Тошкент консерва заводида олмадан тайёрланган пюре юборилади.

ЁРДАМЧИЛАР

Шу кунларда Р. Р. Шредер номидаги мевачилик, узумчилик ва виночилик институти қошидаги мева-сабзавотчилик техникумининг талабалари институт қарамоғидаги боғроғларга чиқиб, соҳибкор-боғбонлар ишларида актив ёрдам бермоқдалар. Ҳозир ҳосилдан бўшаган токларни кесиб, заиғларни кўммоқдалар. Ҳар туп ток новдасини кесишда агротехника қоидаларига амал қилмоқдалар.

Техникумнинг Барчиной Орипова, Тошмуҳаммад Ниёзов, Хонзода Бойдуллаева, Ғулжон Сайдинова каби талабалари ўз меҳнатлари билан кўпчиликка намуна бўлмоқдалар.

Уларнинг ҳалол меҳнатлари туфайли шу кунгача 160 гектар майдондаги ток новдалари қишга тахт қилиб қўйилди.

И. РУСТАМОВ.
Н. АБДУРАСУЛОВ.

ҒАЛАБА РАПОРТЛАРИ

Яна пешқадам

Еттинчи механизация бошқармаси коллективи 2-қурилиш механизацияси трестида биринчи бўлиб ўн бир ойлик планни муддатидан олдин 6 ноябрда 103 процент бажарганлиги ҳақида рапорт берди. Беш йиллик планни муддатидан олдин бажариш учун бригада ва участкаларда социалистик мусобақа давом этмоқда.

— Коллективимиз ой охиригача йиллик қурилиш-монтаж ишлари планини бажариш учун курашмоқда. — дейди механизация бошқармасининг бошлиғи Юрий Антонович Петров. — Ҳозирнинг ўзидаёқ планга қўшимча 40 минг сўмлик иш бажардик.

—Биз ҳам мусобақадошларимиздан ортда қолмадик. — дейди 6-механизация бошқармасининг бошлиғи Борислав Владимирович Леонов. — Бошқармада 11 ойлик план 102,3 процент бажарилди, планга қўшимча 35 минг сўмлик иш қилинди. Машина-механизмлардан унумли фойдаланиш жойларда ишни тўғри ташкил қилиш туфайли бу муваффақиятларга эришилди.

Хиёбон чироқлари

Қуёш ботиб, ерга оқшом қўнади. Худди ўз навбатини кутгандек хиёбон чироқлари чароғон бўлади. Нарироқда эса механизаторлар, йўл қурувчилар ва монтажчиларнинг меҳнати тунда ҳам жўш уради: моторлар гуриллайди, пайвандчилар зангори учқун таратади. Қурувчилар учун ҳар бир дақиқа қиммат. Улар ўз ваъдаларининг устидан чиқиш—В. И. Ленин туғилган куннинг шонли 100 йиллигига қадар объектда ишларни ниҳоясига етказиш учун ғайрат қилмоқдалар.

В. И. Ленин номли хиёбон қиёфаси кун сайин кўзга яққолроқ ташланмоқда. Йўлкаларга плита ётқизилди, турли дарахт кўчатлари ўтказилди, арчалар саф тортди, қурилиши мўлжалланган тўрт боғнинг бири тайёр бўлди.

Бу қурилишда ҳамма илғор. «Таштрансспецстрой» трестининг 68-бошқармаси ишчилари хиёбонни тартибга солишда графикни анча орттириб бажаришмоқда. Улар гранит деворни тиклаб, йўлкаларга рангдор плита ётқизишди, ер ости коммуникацияларни тартибга солишди.

Объектда ўз иши билан барчага намуна бўлаётган кишилар ҳам оз эмас. «Висотстрой» трестига қарашли 2-бошқарманинг электр пайвандчиси В. Мезин, 68-бошқарма мастери В. Песков каби пешқадамлар шулар жумласидандир.

—Мақсадимиз қурилишни ўз муддатида тугатиб, В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллигини ёруғ юз билан кутиб олишдир, — дейди хиёбон лойиҳасининг бош архитектори Ю. Халдеев.

Шифохона комплекси

Кўкрак хирургияси комплекси — Дўмбиробад массивида қурилаётган кўп профилли шифохонанинг бир қисми бўлиб у ерда жуда катта кўламда қурилиш монтаж ишларини бажаришга тўғри келади. Бу объектда 153-трестга қарашли 34-қурилиш бошқармаси уч минг кубометр бетон ётқизиши керак.

Бу ишларни бажаришда А. Пўлатов бошлиқ комплекс бригада аъзолари билан А. Маслов бошлиқ бригаданинг пайвандчилари яхши намуна кўрсатмоқдалар. Уларнинг иши ҳамиша юксак баҳога сазовор бўлишининг ҳам боиси шунда.

Бетон қўйишда металл опалубкалардан фойдаланиш қурилиш-монтаж ишлари суръатини оширди. Бу усул қиммат баҳо ёғоч материалларини анча тежашда ҳам қўл келди. Пайванд сифатини яхшилашда ваина усулини қўлланиш яхши натижа бериб, анча маҳсулот тежалмоқда.

Бинокорлар В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллиги арафасида кўкрак хирургияси корпусининг биринчи навбатини муддатидан олдин фойдаланишга топшириш учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар.



В. И. Ленин музейи филиалида ишлаётган пайвандчи Валерий Алексеевич Нем кунлик иш нормасини 140 процентга етказиб, адо этмоқда.

В. БИСОВ фотоси.

Бизнинг интервью

Ўзбек театри Москвада

Шу йилнинг 16 ноябрида Москвадаги В. Яблочкина номли Марказий актёрлар уйида ўзбек совет театр санъати куни бўлади. Доҳий В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллик байрамига бағишланган бу тадбир бутун Россия театр жамияти правлениеси, Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги, республика театр жамияти правлениеси ташаббуси билан ўтказилади. Шу муносабат билан театр жамияти правлениеси раисининг ўринбосари Р. М. Қориев мухбиримизга бундай деди.

— Москвада ўзбек совет театр санъати театри кунини ўтказиш ҳақидаги хушхабарни санъаткорлар эўр қувонч билан кутиб олдилар. Бундай маросимнинг ўтказилиши ўзбек совет театрининг эришган ютуқларига эътибор ва муносиб баҳо деб қараш керак.

Кечада Ўзбекистон театр санъатининг 52 йил ичида босиб ўтган йўли ва ўзбек театр саҳнасида доҳий Ленин образининг яратилиши ҳақида ҳикоя қилиб берилади. Жамиятимизнинг масъул котиби, санъатшунос Б. Насриддинов «Ҳозирги ўзбек театр санъати янги босқичда» деган маъруза доклад қилади. Театр кунида СССР халқ артисти Саодат Қобулова, Ўзбекистон ССР халқ артисти Қундуз Миркаримова, республикада хизмат кўрсатган артист Ғафур Азимов, Навоий номли ўзбек давлат академик катта театрининг солисти У. Тошматов ва ўзбек эстрада артистлари иштирокида концерт берилади.

Бундан ташқари республикамизнинг бир қатор етук кино ва театр артистлари қатнашган «Улуғбек юлдузи» бадиий фильми намойиш қилинади.

Театр кунининг эртасига санъаткорларимиз пойтахтдаги бир қатор улкан санъат даргоҳларида атоқли артистлар, корхоналарда ишчилар билан учрашувлар ўтказадилар.

ҚАЛДИРҒОЧ КЎЧАСИНИНГ КЎРКИ

Пойтахтимизнинг Ҳамза районидаги Янгиобод массивида ҳам уй-жой, мактаб, болалар муассасалари, маданий-маиший бинолар қурилиши кенг миқёсда олиб борилмоқда.

Тошкент 1-уйсозлик комбинатининг шоҳли бунёдкорлари яқинда массивнинг Қалдирғоч кўчасида иккита 48 квартирали ва битта 72 квартирали уйларни муддатидан олдин монтаж қилиб, пардозчиларга топширган эдилар. Ленинча меҳнат вахтасида туриб, фидокорона, меҳнат қилаётган комбинатнинг биринчи пардозлаш бошқармасига қарашли Вавилов бошқараётган 3-участка пардозчилари уччала уйнинг ҳам пардозлаш ишларини муддатидан олдин тамомладилар.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ПРЕЗИДИУМИДА

ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ЯШАЁТГАН КЎП БОЛАЛИ ОНАЛАРГА «ҚАҲРАМОН ОНА» ФАХРИЙ УНВОНИНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўн ва ундан ортиқ бола кўрган ва уларни тарбиялаган оналарга «Қаҳрамон она» ордени ва СССР Олий Совети Президиумининг ёрлиғини топшириш билан бирга «Қаҳрамон она» фахрий унвони берилсин:


ТОШКЕНТ ШАҲРИ БЎЙИЧА

1. **Абдуллаева** Тўфахон — уй бекаси.
2. **Акбарова** Турсун— уй бекаси.
3. **Акрамова** Нина Васильевна — уй бекаси.
4. **Аҳмедова** Ҳакима — уй бекаси.
5. **Охунжонова** Муҳайё Нурматовна — уй бекаси.
6. **Кабирова** Қумри — уй бекаси.
7. **Мансурова** Муҳаббат — уй бекаси.
8. **Маҳмудова** Рихси — уй бекаси.
9. **Машрапова** Малика — уй бекаси.
10. **Мирзамуҳамедова** Мастура — уй бекаси.
11. **Мусаева** Миновар Маҳмудовна — уй бекаси.
12. **Нурматова** Муқаддам — ишчи.
13. **Раҳимжонова** Саломат — уй бекаси.
14. **Тошматова** Ҳури — уй бекаси
15. **Тўлаганова** Нури — уй бекаси.
16. **Усмонова** Маҳфуза — уй бекаси.
17. **Ҳолиқова** Ҳамро — ишчи.
18. **Шокирова** Ҳакима — уй бекаси.
19. **Шодиева** Насиба — уй бекаси.

ПЕНСИОНЕР ЛЕКТОР

Жамоатчи-пенсионер И. Кулибоевнинг номи Куйбишев район саноат корхоналарининг ишчи-хизматчилари, мактаб ўқувчилари, бинокорлар ва бошқалар учун азиз ва мўътабар бўлиб қолган. Тажрибали лекторнинг ташвиқотчилик фаолиятига 20 йилдан ошиб кетди. Шу давр мобайнида лекторнинг халқаро аҳвол, «Социализмни ҳимоя қилиш интернационал бурч» каби мавзуларда ўқиган лекцияси 4300га етди.

Тиниб-тинчимас лекторнинг самарали меҳнатлари муносиб тақдирланган. У республика «Билим» жамияти томонидан қимматбаҳо буюмлар билан мукофотланган.



Тошкент чет тиллар педагогика институтининг студентлари Сирдарё областининг «Пахтаорол» районидаги 27-совхозда баракали меҳнат қилиб, пахтакорларга яқиндан ёрдам бермоқдалар.

СУРАТДА: студентлар томонидан терилган «оқ олтин» пахта пунктларига жўнатилмоқда.

В. Токарев фотоси.

ТОШКЕНТЛИКЛАР «ОҚ ОЛТИН» ТЕРИМИДА

Комсомол ҳашарчилар

— Чўлқуварлар ҳузурига ҳашарга келганимизга кўп вақт бўлгани йўқ. Шу қисқа давр ичида Сирдарё область Гагарин номли 5-совхоз далаларидан 150 тонна «оқ олтин» тердик,— дейди Тошкентдаги ҳисоботкредит техникумининг директори Асад Абдуллаев.

Ҳа, техникумнинг 330 комсомол ёшлари 4 миллион 100 минг тонналик улкан пахта хирмони учун курашга баракали ҳисса қўшмоқдалар. Студент ёшлар ўзаро мусобақани тобора қизитиб, ҳар куни эл хирмонига 14—15 тоннадан пахта тўкмоқдалар.

Кунлик нормаларини 1,5-2 ҳиссага етказиб адо этаётган Р. Мирзаев, М. Юнусалиева, Ҳ. Абдуллаев, М. Норматова, Ҳ. Ганихўжаевлар ҳашарчи-пахтакорларга ўрнак бўляптилар.



Фотима Абдуллаева Тошкент политехника институтининг биринчи курс студенти. У Сирдарё областидаги 20-совхоз далаларида ҳар куни 200—210 килограмм пахта териб, курсдошларига намуна бўлмоқда.

А. Тўраев фотоси.

ЛОЙИҲАЧИЛАР МАДАДИ

Республикамиз пахта далаларида етиштирилган мўл ҳосилни тезроқ йиғиб-териб олишда шаҳарликлар ҳам пахта майдонида жавлон урмоқдалар. «Узгоспроект» лойиҳалаш институти ходимларидан 120 ҳашарчи Сирдарё областининг Еттисой районидаги Ленин номли совхозда пахтакорларга яқиндан ёрдам бермоқда.

Институт ходимлари ҳар куни 8-9 тоннадан «оқ олтин» теришяпти. Айниқса, Тожиев, Каримов, Муртазоев, Қосимов ва Иванова каби азаматлар ҳар куни 130-140 килограммдан пахта термоқдалар.

Я. СОДИҚОВ,
Е. УСМОНОВ.

МЕҲНАТ СЕМЕСТРИМИЗ

«Партия XXIII съезди» совхози билан биз кўп йилларда бери қадрдонмиз. Шунинг учун бўлса керак, совхознинг пахтакорлари политехник-студентларни қувонч билан кутиб олдилар. Бизнинг келишимизга барча дала шийпонларида ётоқхоналар тайёрланган, ошхоналар қурилган, озиқ-овқатлар тайёрлаб қўйилган эди. Уч ярим минг студентни жойлаштириш ҳазилакам иш эмас. Лекин совхоз раҳбарлари бу ишни ҳал қилдилар. Тўғри, баъзибир камчиликлар ҳам йўқ эмас. Лекин тез кунда улар ҳам бартараф қилинади. Масалан, 26 дала шийпонидан 4 тасида электр чироқлари йўқ. Студентлар бу ерда сим ўтказадилар, фақат электродвигателга қараб қолдик.

Ҳар бир дала шийпонида радиоприёмник, газета ва журнал, шахмат ва шашкалар бор. Ҳафтада бир марта колхоз кинопередвижкаси янги кинофильмларни намойиш қилади, бадиий ҳаваскорлик тўгараги дала «гастролига» тайёрланмоқда. Совхоз социалистик мусобақа ғолибларига кўчма Қизил байроқ, пул мукофотлари ташкил қилган. Энг яхши теримчиларга пул мукофотидан ташқари эсдалик совғалари ҳам берилади.

Пахтакорлар студентларнинг маиший турмуши ва маданий дам олиши учун ғамхўрлик кўрсатганлар. Мен ишонаманки, студентлар улардан қарздор бўлиб қолмайдилар.

Бу йил «Партия XXIII съезди» совхозида тўртта: механика, тоғ-металлургия, химия-технология ва автойўл факультети студентлари меҳнат қилмоқдалар. Биринчи кундан бошлабоқ студентлар штаби ташкил этилди, у ишнинг кенг планини ишлаб чиқди. Студентлар бригадаси да партия группалари ташкил қилинган. Коммунистлар ҳар бир асосий участкага бириктирилган. Бригада бошлиқлари ўқитувчилар ва институт лаборантларидир.

Биз ғоявий-тарбиявий ва агитация ишларига алоҳида эътибор бердик. Ҳар куни дала шийпонида «жанговар варақа», ҳафтада бир марта деворий газета чиқарилади. Ҳозирнинг ўзида кўпгина шийпонларни шиор, фотоплакатлар, кўрсаткич тахталари безаб турибди. Автойўл факультети студентлари институтнинг барча студентларига қарата мурожаат қабул қилдилар. Улар бутун куч ва ғайратни пахта теришга, совхозда етиштирилган ҳосилни қисқа муддатга териб олишга чақирдилар.

Тошкент политехника институти студентларида меҳнат семестрида совхоз хирмонига 6 минг тонна пахта топширишга аҳд қилганлар. Далаларда шу ваъдага яраша иш қилинмоқда. Илғор теримчи-студентлар кунига 160 килограммдан ошириб пахта термоқдалар.

И. ИКРОМОВ,
ТошПИнинг «Партия XXIII съезди» совхозидаги штаби бошлиғи.

«ОҚ ОЛТИН» ДАЛАЛАРИДА

Тошкент чет тиллар институтининг студентлари Сирдарё область Пахтакор районининг 27-совхозида «оқ олтин» ҳосилини йиғиб олишда пахтакорларга катта ёрдам бермоқдалар.

Об-ҳавонинг ноқулай келишига қарамай, институт студентлари ғайрат ва шижоат кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар.

Студентлардан Ҳ. Эрматов, Н. Ҳусанов, Н. Соатов, У. Мадазимов К. Набиева, Д. Тўйчиқулов, О. Қирғизбоев, Р. Сартаева, ва бошқалар кунига 100-120 килограммга етказиб пахта термоқдалар.

Т. НИЁЗОВ,
А. АБДУРАҲМОНОВ.


✦ ФУТБОЛ

«СПАРТАК» ЧЕМПИОН

Кеча

МОСКВАДАГИ В. И. ЛЕНИН НОМЛИ МАРКАЗИЙ СТАДИОНДА МАМЛАКАТ БИРИНЧИЛИГИ УЧУН ПОЙТАХТНИНГ «СПАРТАК» ВА МАРКАЗИЙ АРМИЯ СПОРТ КЛУБИ КОМАНДАЛАРИ ЎРТАСИДА УЧРАШУВ БЎЛИБ ЎТДИ. Ўйиннинг биринчи минутларидаёқ «Спартак» командаси сўнгги учрашувда фақат ғалабага эришишни ўз олдига мақсад қилиб қўйганлиги сезилди. МАСК дарвозаси олдида бир неча бор хавфли вазият туғдиришди. Лекин шунга қарамасдан армиячиларнинг ҳимоя линияси командя капитани Альберт Шестернев бошчилигида маҳорат билан ўйнаб, спартакчиларнинг дарвоза томон аниқ тўп йўналтиришига имкон бермшмади.

Иккинчи тайм ҳам спартакчилар ҳужуми билан бошланди. Энди улар фақат ярим ҳимоя линияси билан эмас, балки ҳимоячилар билан ёппасига ҳужумга ўтишди. Ўйиннинг 56 минутида «Спартак» ҳужумчиси Николай Осянин тўпни дарвозага йўналтирди. ШУНДАЙ ҚИЛИБ, «СПАРТАК» КОМАНДАСИ 1969 ЙИЛГИ СССР ЧЕМПИОНИ УНВОНИГА САЗОВОР БЎЛДИ. КУМУШ МЕДАЛНИ ЭСА КИЕВНИНГ «ДИНАМО» КОМАНДАСИ, БРОНЗА МЕДАЛНИ ЭСА ТБИЛИСИНИНГ «ДИНАМО» КОМАНДАСИ ОЛИШДИ.



Чилонзорнинг 23-кварталида қад кўтарган 9 қаватли бинолар шаҳримиз кўркига-кўрк қўшмоқда.

М. Нуриддинов фотоси.

3.000.000 ТОННА ПАХТА ТАЙЁР!

● *В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги олдидан*

ЛЕНИН СОЦИАЛИСТИК РЕВОЛЮЦИЯ ТЎҒРИСИДА

Илмий коммунизм асосчилари К. Маркс ва Ф. Энгельс капитализмни чуқур анализ қилиб, ишлаб чиқаришнинг ижтимоий характери билан хусусий ўзлаштириш формаси ўртасидаги зиддиятларнинг муроса қилиб бўлмаслиги туфайли капитализмнинг муқаррар ҳалок бўлишга маҳкум этилганлигини, буржуазиянинг ҳалок бўлиши ва «пролетариатнинг галаба қозониши бирдай муқаррар» эканлигини исбот қилиб бердилар.

Ҳар қандай бошқа социал революциядек, пролетар революциясининг ҳам объектив негизини ишлаб чиқарувчи кучлар билан, ишлаб чиқариш муносабатлари ўртасидаги зиддиятлар ташкил қилади.

Маълумки, XIX асрнинг охирларида ва XX асрнинг бошларида капитализм ўз тараққиётининг юқори ва сўнгги босқичи — империализмга қадам қўйди.

Империализмнинг чинакам илмий анализи В. И. Ленин томонидан унинг «Империализм — капитализмнинг юқори босқичи» деган асарида ва бошқа бир қатор асарларида берилди. В. И. Ленин империализмнинг моҳиятини баҳолаб, у, — озод рақобат давридаги капитализм ўрнига келган монополистик капитализм, деб таъкидлаб ўтган эди. Империализмнинг тарихий ўрни унинг ўлиб бораётган капитализм эканлиги, социалистик революция арафаси эканлиги билан белгиланади.

В. И. Ленин монополиялар тараққиётнинг нотекислиги қонунини кашф қилган эди. Бу қонун капиталистик мамлакатларда рўй беришни муқаррар қилиб қўяди. Ленин таъкидлаганидек, бу қонун капиталистик мамлакатларда социал ва бошқа хил зиддиятлар ўсганда ташкил этилади ва ўсади, шунинг учун ҳам империализм оқибатда революцияларга олиб келади, у то иш ташкил этилишга етгунча, ҳеч бўлмаса, у ёки бу мамлакатнинг илмий жиҳатдан жароҳатдек ёрилади, деб таъкидлаган эди.

В. И. Ленин турли мамлакатларда социалистик революция шарт-шароитлари турли вақтларда етишиб чиқиши орқасида пролетариатнинг галабаси бутун дунёда бир вақтда бўладиган актдек рўй бермаслигини исботлади.

«Капитализм, — деб таъкидлайди В. И. Ленин, — турли мамлакатларда ғоят даражада нотекис ривожланиб боради. Товар ишлаб чиқариш шароитида бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас. Бундан келиб чиқадиган қатъий хулоса шуки, социализм барча мамлакатларда бир вақтда галаба қозонмайди. У дастлаб бир ёки бир неча мамлакатда галаба қозонади, қолган мамлакатлар эса бирмунча вақтгача буржуа мамлакатлари ёки ҳали буржуа тараққиёти даражасига етмаган мамлакатлари бўлиб қола беради.

Бунда революциянинг энг юксак ривожланган капиталистик мамлакатда рўй бериши мутлақо шарт эмас. В. И. Ленин пролетариат даставвал империализм системасида заиф звено бўлган, унинг зиддиятлари энг кескин суратда намоён бўлган мамлакатларда галаба қозонади, деб ҳисоблаган эди. Яна В. И. Ленин социализм дастлаб капиталистик тараққиётнинг ўртача даражасига эга бўлган мамлакатда галаба қозониши мумкинлигини, келгусида эса социализм галаба қилган мамлакатнинг қўллаб-қувватлаши бошқа, ҳатто қолоқ мамлакатларда ҳам социалистик туб ўзгаришларни амалга ошириш мумкинлигини исботлаб берди. В. И. Ленин таъкидлаб ўтдики, империализм зиддиятларнинг асосий пункти бўлган Россия — империализм системасидаги ўта заиф ва ўпирилиши эҳтимолга энг яқин бўлган звенодир.

Революциядан олдин аҳолининг барча табақаларини қамраб оладиган умуммиллий кризис рўй берадиган вазият вужудга келади. Революцион вазият ҳукмрон доираларнинг сиёсати шармандаликка учраганда, халқ оммаси орасидаги норозилик зўрайиб, «юқори табақаларда» эса парокандалик ҳукмронлик қилганда рўй беради.

Революцион вазият деганда, синфлар ва партияларга боғлиқ бўлмаган, революциянн эҳтимолга айлантирадиган объектив шарт-шароитлар йиғиндиси тушунилади. Бу — эксплуататорларга ҳам, эксплуатация қилинувчиларга ҳам даҳл қиладиган, экономиканн ҳам, сиёсатни ҳам қамраб оладиган умуммиллий кризисдир.

Революцион вазиятни революцияга айлантириш учун объектив шарт-шароитлардан ташқари, шунингдек, субъектив шарт-шароитлар ҳам зарур. В. И. Ленин бундай шарт-шароитлардан энг муҳими — мураккаб революцион вазиятда тўғри йўл тутишга, тўғри тактик йўлни ишлаб чиқишга, революцияни бошлаш моментини тўғри танлаб олишга ва ҳеч иккиланмай пролетариатни ҳокимият учун курашга олиб боришга лаёқатли жанговар революцион марксистик партиянинг бўлишидир, деб ҳисоблаган эди. Бундай партиясиз пролетариат галаба қозонолмайди.

Аммо фақат партиянинг мавжудлиги — социалистик революция галаба қозонишининг субъектив шарт-шароитларидан энг муҳими бўлса-да, унинг бирдан-бир шарт-шароити эмас. Ишчилар синфининг авангарди бўлган партия оммасиз галаба қозонолмайди. Революциянинг галаба қозониши учун ишчилар синфининг кўпчилиги революциянинг зарурлигини англаб олиши ва коммунистлар кетидан боришга тайёр бўлиши зарур.

Ленин биринчи рус революцияси даврида ўзининг «Демократик революцияда социал-демократиянинг икки тактикаси» деган асаридаёқ социалистик революция назариясининг асосларини ишлаб чиққан эди.

Илмий коммунизмнинг асосчилари К. Маркс ва Ф. Энгельс социалистик революция қандайдир бир мамлакатда галаба қила олмайди, бир вақтда барча ёки асосан, юксак даражада ривожланган капиталистик мамлакатларнинг кўпчилигида галаба қила олади, деб таъкидлаб ўтган эдилар. К. Маркс ва Ф. Энгельс шунинг учун бу хулосага келган эдиларки, улар яшаган даврда монополистик капитализм ҳали жуда келмаган бўлиб, капитализм илгари томон ривожланган, равнақ топган эди. Шунинг учун ҳам К. Маркс ва Ф. Энгельснинг социализмнинг бир мамлакатда галаба қила олмаслиги тўғрисидаги хулосаси улар яшаган даврда тўғри хулоса бўлиб, барча марксистлар томонидан раҳбар қонда сифатида қабул қилинган эди.

Ленинча социалистик революция назарияси — жаҳон миқёсида жамиятни революцион қайта қуриш тўғрисидаги фан бўлиб, у ишчилар синфининг гегемонлиги, демократик революциянинг социалистик революцияга ўсиб ўтиши, пролетариат диктатураси тўғрисидаги, турли мамлакатларнинг социализмга ўтиш формалари ва ҳоказолар тўғрисидаги таълимотни ўз ичига олади.

С. АҲМЕДОВ,
тарих фанлари кандидати.



Эльвира Бобоева «Уртоқ» кондитер фабрикасида кўп йиллардан буён қандолатчи бўлиб ишлайди. У ўзининг ҳалол меҳнати билан корхона меҳнат аҳлининг мақтовига сазовор бўлган.

СУРАТДА: Э. Бобоева. В. Бисов фотоси.

● *Вагонлар бекор туриб қолмасин*

МУҲИМ ДАВЛАТ ИШИ

Ҳозир қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилини йиғиб олиш ва уларни ташишнинг қизғин палласи. Бунинг учун кўплаб вагонлар керак. Шунинг учун ҳам вагонлардаги юкларни ўз вақтида тушириб олиш ва уларнинг бекор туриб қолишини қисқартиш муҳим давлат иши бўлиб қолмоқда.

Тошкентда вагонлардан унумсиз фойдаланаётган корхоналар кўплаб топилади. Масалан, экскаватор, лакбўёқ, трактор-йиғув заводи ва бошқа корхоналар шулар жумласидандир.

Трактор-йиғув заводида ҳар куни юз ва ундан ортиқ юк ортилган вагонлар бўшатилмай қолмоқда. Бу масала билан халқ контроли комитети шуғулланғач иш бироз юришди. Ярим сменада 110 вагондаги юк туширилди. Ишчи кучи ҳам, механизм ҳам топилди. Шундай бўлсада бу ердаги ишдан кишининг кўнгли тўлмайди. Чунки, бир кун юклар ўз вақтида туширилса, кейин яна вагонлар юки билан суткалаб туриб қолади.

Темир йўлчилар ишида ҳам кўпгина камчиликлар бор. С. Раҳимов станциясига келган юклар ҳақида эгаларига ўз вақтида хабар берилмайди.

Тошкент темир йўл бўлимида маҳаллий юкларни ташишда жиддий камчиликлар бор. Вагонлар юк ортиладиган жойга ўз вақтида етказиб берилмайди.

Кейинги пайтда контейнерлар сақланадиган майдонга кўплаб квинг истеъмол товарлари келиб турибди. Бу контейнерларни юк ортиш-тушириш ишлари механизациялашган Тошкент дистанциясининг ходимлари тушириб олишлари керак. Аммо, бу ерда ҳам иш яхши ташкил этилмаган. Шунинг учун дистанциянинг инженери Ю. Погосевга маъмурий жазо берилди.


«Қизил тўқимачи» станцияси ва тўқимачилик комбинатидаги 1-бирлашган темир йўл хўжалиги коллективлари истеъмолчиларга хизмат кўрсатишни яхши йўлга қўйган. Бу темир йўл станцияси ва хўжалик Тошкентдаги 18 та йирик корхонага хизмат қилмоқда. Темир йўлчилар ва саноат транспортининг коллективлари бир-бирлари билан иноқ, ўзаро ёрдамлашиб ишламоқда. Бу ерда вагонларнинг бекор туриб қолиш ҳоллари камдан-кам бўлади.

А. ПАШКОВА,
Ленин район халқ контроли комитетининг штатсиз инспектори.

КОММУНИСТ ХОТИРАЛАРИ

Революцион ҳаракатнинг кекса арбобларидан бири Е. Д. Стасова улуғ доҳиймизни яхши билар, у билан бирга ишлаган эди. Кекса большевик Ильич билан бўлган учрашувлари ҳақида қатор хотиралар ёзиб қолдирган.

«Ленин мана шундай киши эди» деб номланган асар ҳам Е. Д. Стасова қаламига мансубдир. Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети «Ёш гвардия» нашриёти бу рисолани ўзбек тилида босиб чиқарди. Асарга кирган хотиралар жуда таъсирли ёзилган.



Тошкент трактор-йиғув заводи ҳар куни ўнлаб янги Т — 28Х4 маркали универсал трактор-ни қишлоқ меҳнаткашларига жўнатади.

СУРАТДА: конвейердан чиққан тайёр тракторларни темир йўл платформаларига ортиш.

М. Нуриддинов фотоси.

● *Сизга қандай хизмат кўрсатишяпти?*

ИШЧИЛАР ХИЗМАТИДА

Корхонада меҳнат унумдорлигини оширишда ишчиларга маданий-маиший хизмат кўрсатиш яхши йўлга қўйилиши ҳам катта аҳамият касб этади.

Ҳозир заводимизда 750 ўринли 3 ошхона, иккита қаҳвахона, икки чойхона ишчилар хизматида. Яқинда 50 ўринли яна битта янги қаҳвахона қуриб, фойдаланишга топширилди. Унда асосан миллий таомлар тайёрланади.

Завод ошхонасида 200 ўринли парҳез залининг ишлаши ишчиларни мамнун қилаётир. Ишчи вақтини тежаш учун комплекс овқатларга олдиндан чек сотилади. Уни сотиб олган ишчи навбатда турмайди.

Заводнинг 512 ўринли ётоқхонасида шу кунларда коммунистик турмуш уйи номини олиш учун социалистик мусобақа кенг кулоч ёйган. Мусобақа шартларига кўра ҳар бир хона намуна зода бўлиши керак.

Унда яшовчилар намунали турмуш кечириши, коммунизм қурувчисининг ахлоқ кодексига доимо амал қилиши, жамоат ишларида фаол қатнашишлари лозим. Ғолиб чиққанлар муносиб мукофотланади.

Ишчиларнинг фарзандлари заводдаги болалар комбинатида тарбияланади. Бу ерда улар учун иккита ясли, беш та болалар боғчаси ишлаб турибди.

Беш кунлик меҳнатдан кейин ҳар бир ишчи яхши дам олишни истайди. Шу мақсадда Халқободдаги У. Юсупов номли боғдорчилик совхозига яқин сўлим жойлардан бирида дам олиш зонаси ташкил этдик. Ишчиларнинг кўнгилли дам олиши учун барча шароитлар яратилган. Зонага ҳар шанба ва якшанба кунлари кўплаб ишчилар дам олгани борадилар. Кўнгилли ҳордиқ чиқариб яна завқли меҳнат қучоғига қайтадилар.

К. ОБИДОВ,
«Таштекстильмаш» заводининг кадрлар ва маиший хизмат масалалари бўйича директор ўринбосари.

● МЕҲНАТДА ПЕШҚАДАМЛАР

ҚУТЛУҒ ҚАДАМ

Йиллар ўтди. Бора-бора мавжуд цехлар кенгайди, реконструкция қилинди. Завод ишчи-хизматчилари ўз кучлари билан янги, зарур ускуналар ўрнатишди. Ишчи кучлари янги қабул қилинган кадрлар ҳисобига кўпайди. Мазкур тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида заводда Тошкент қурилишлари учун зарур бўлган темир-бетон конструкциялари ишлаб чиқариш тўлиқ ўзлаштирилди. Масалан, ҳар бир донаси 18 метрли темир-бетон конструкциялари тайёрлаш кенг йўлга қўйилди. Шунингдек, иморат томларини ёпиш учун қулай бўлган плиталар, темир-бетон устунлар ишлаб чиқариш тўлиқ ўзлаштирилди. Ҳозирги пайтда бундай материаллар лак-бўёқ заводи, тикувчилик ва пойафзал фабрикалари қурилишларига график асосида етказиб берилмоқда.

Таннархни арзонлаштириш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва механизмлардан унумли фойдаланишга эришишда НОТ советларининг аҳамияти бениҳоя катта. Бу борада сўз кетганида корхонада ташкил этилган 9 кишилик НОТ совети ишларини таъкидлаш лозим.

Барча цех бошлиқлари ва мастерлар совет аъзолари дирлар. Улар НОТнинг бир йилга мўлжаллаб тузилган план-тадбирларини амалга оширишда ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар.

Завод НОТ совети ҳозиргача бир мунча ишларни амалга оширди. Чунончи, илгарилари 2 цехга бетон машинада ташилар эди. Эндиликда у транспортёр ленталари орқали узатилмоқда. Цехлардаги агрегатларни ёғлаш қўлда бажариларди. Ҳозир 1-бетон қуйиш цехининг биринчи полигонида ва 2-цехда бу иш механизация воситасида амалга оширилмоқда.

Заводда индивидуал тарздаги цехлар ва бригадалараро соцналистик мусобақа яхши йўлга қўйилган. Г. Шпак раҳбарлик қилаётган 2-бетон қуйиш цехининг К. Петрук, Е. Черепанов, М. Прокофьев ва К. Нестерегаев ўртоқлар бошлиқ бригада аъзолари тезу-соз ишлашда бошқаларга намуна бўлаяптн. Меҳнат интизоми тўғри йўлга қўйилганлиги ва ҳар бир минутдан ўринли фойдаланилганлиги учун ҳам бу бригадаларда ойлик планлар ўртача 125—130 процентга етказиб бажарилмоқда. Илғорлар сафи бошқа цехларда ҳам кенгайиб бормоқда.

Маълумки, ҳамма нарсани кадрлар ҳал қилади. Шунинг учун ҳам мунтазам равишда уларнинг малакасини ошира бориш ҳамиша завод маъмурияти диққат марказида. Заводда арматурачи, бетончи, ва кранчилар тайёрлайдиган курсларнинг ишлаб турганлиги фикримизнинг далилидир. Корхонага ҳеч қандай касб-ҳунарсиз қабул қилинган 24 йигит-қиз яқинда кранчилик курсини муваффақиятли тамомлашди.

Келгуси йилнинг 1 январидан завод аҳли планлаштиришнинг янгича системаси бўйича ишлашга кўчади. Бу ўз-ўзидан бўладиган нарса эмас, албатта. Бир қатор тайёргарлик ишларини тақозо этади. Бундай тайёргарлик ишлари ҳозирданоқ бошлаб юборилди. Хусусан, таъриф ставкаси қайта кўриб чиқиляпти. Кадрларни жойжойига жойлаштиришга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Шу йилнинг ўтган 9 ойи ичида 2 миллион 80 минг ўринга 2 миллион 99 минг сўмлик иш бажариб, планни 101 процентга етказишга муваффақ бўлган 6-темир-бетон буюмлар заводи коллективи октябрь ойи топшириғини ҳам ошириб адо этди.

М. ТУРОБОВ.

Қардошлар армуғони

«РАЧИНИЦА» ОҲАНГЛАРИ



Нотаниш, аммо ёқимли куйнинг оҳанглари таралмоқда. Узоқ кун янграётган қўшиқ борган сари юқори пардага кўтарилмай, бир меъёрда ижро этилмоқда. Уни бир киши эмас, бир неча киши навбатма-навбат куйламоқда. «Рачиница» оҳангларини тинглар экансиз қўл ушлашиб, давра олаётган болгар йигит ва қизларининг чаққон ва енгил ҳаракатлари кўз олдимиздан кино лентадай ўзади.

«Рачиница» болгарларнинг энг севимли куйидир. Тўй ҳам, байрам ҳам усиз ўтмайди. Шу қўшиқ Тошкентда янграётганига анча вақт бўлиб қолди. Театр саҳнасида эмас, қурилиш майдонида завқ ва шавқ билан ижро этилмоқда.

Энгельс кўчасидаги «Марказ-6» кварталида Болгария қурувчилари ишлашяпти. Бу ерда қардош мамлакатнинг Хасково округи қурувчилари Тошкентга совға сифатида энг замонавий мактаб биносини бунёд қилмоқда.

Эндигина қад кўтараётган биноларнинг атрофи ҳавозалар билан тўлиб кетган. Мактаб биноси бир йилдан кейин тўла қурилиб бўлса-да, лекин уни қандай бўлишини ҳозирданоқ тасаввур қилиш мумкин.

Шу кунларда «А. В. Г. Р» корпусларининг сўнгги қаватлари битай деб қолди. Қурилиш майдонида иш жадал боряпти. Георгий Стоянов, Филитр Стаменов бошлиқ бригада устакорларининг қўли-қўлига тегмайди.



Улар ишни шунчалик усталик билан олиб боришяптики, қардошларнинг ҳатти-ҳаракатини кўриб қойил қоласан, киши.

Азаматлар «А» деб аталган корпус пойдеворини шу ойда тайёрлаш ҳақида мажбурият олишган. Ҳозир бошқа корпуслар қатори физкультура зали («А» корпуси) ҳам бўй чўзмоқда.

Мингдан ортиқ ўқувчини ўз бағрига оладиган бу мактаб чинакам маърифат ўчоғи бўлади. Болалар қўша-қўша синф хоналарида билим олишлари, қатор тажриба хоналарида машғулотлар ўтказишлари билан бирга яна бир алоҳида корпусда овқатланиш, ҳунар ўрганиш билан банд бўладилар. Мактаб ёнида клуб ҳам қад кўтаради. У ерда фильм қўйишдан ташқари, саҳна асарлари ва ҳар хил кечалар ҳам ўтказиш мумкин.

Билим ўчоғи болгар халқининг ажойиб фарзанди Георгий Димитров номи билан аталади. Шу муносабат билан бинога асосий кириш йўлида Г. Димитровнинг ёрқин сиймосини акс эттирадиган монумент ўрнатилади. Ҳозир бўлажак ҳайкални яратиш ҳақида Болгарияда изодкорлар бош қотиришяпти.

Хасково округининг Тошкентдаги вакили Коста Костов биз билан суҳбатда бундай деди:

— Биз болгар қурувчилари Ўзбекистон пойтахтида совға тайёрлаётганлигимиздан хурсандмиз. Бизга меҳнат қилиш, дам олиш, яшаш учун қулай шароит яратиб берилган. Қурувчилар дам олиш пайтларида Тошкентнинг жуда кўп жойлари билан қизиқиб танишдилар. Маданият даргоҳлари, қурилишлар катта таассурот қолдирди.

Тошкент областидаги Георгий Димитров номли колхозда меҳмон бўлиш ғоят мароқли бўлди. У ерда меҳнаткашларнинг ҳаёти билан яқиндан танишдик. Бундан ташқари Самарқанд, Бухоро шаҳарларига ҳам саёҳат қилдик. Қадимий шаҳарнинг архитектура обидаларини тенгсиз ёдгорлик деб баҳолаш мумкин. У ўзбек халқининг ажойиб меъморчилигидан дарак беради.

А. ПУЛАТОВ.



Юқоридаги суратда комплекс бригада бошлиғи Дмитр Стаминов (ўртада) қурувчилар билан навбатдаги вазифани маслаҳатлашмоқда.

* * *

Пастдан чапдаги суратда илғор арматурачилардан Б. Михайлов ва С. Делчов ўртоқлар иш билан машғул.

* * *

Пастдан ўнгдаги суратда эса мактаб биноси кўзга ташланиб қолди.

М. Нуриддинов фотолари.

Инсон одоби билан

САРЛАВҲА Д А Н кўриниб турибди — гап санъат ва санъаткор устида боради. Санъат маданиятнинг энг оммабоп, энг ҳузурбахш, энг мусаҳҳар соҳаси бўлгани учун ҳам томошабин унинг ўзидан ё ижрочисидан олган таассуротини матбуот саҳифасида ёки дўстлар даврасида ўртоқлашиб туриш одат тусига кириб қолган. Небаҳтки, Улуғ Октябрь қўёши балқигандан сўнг гуркираб ўсиб борган маданиятимиз санъат, адабиёт, маданият ҳақидаги тушунчаларимизни мисли кўрилмаган даражада бойитди, бадиий дидимизни, санъатга муносабатимизни яна ҳам нозиклаштирди. Санъатнинг рангба-ранг хилларини ойнаи жаҳон орқали узоқ-яқин мамлакатларимизга етиб, ҳатто уйларимизга бевосита кириб келаётганлиги маданий ва маънавий савиямизни жуда-жуда кўтариб юборди. Шуниси қувончлики, бу кўтарилиш аҳолининг айрим табақасида эмас, умумхалқ даражасида бўлди. Шунинг учун, фақат шунинг учун совет кишилари паст дид, паст савия билан тайёрланган томошаларни кўрмайдиган, санъатга ўта талабчан бўлиб қолдилар.

Дарҳақиқат, баъзи томошахона раҳбарларининг тутган ишларига қарайсиз-у, тааж-жубдан кўра ғазабга келасиз. Улар томошабинга манзур бўлмайдиган, замонамиз кишиларининг талаб-ларига жавоб беролмайдиган тутуқсиз нарсаларни саҳнага олиб чиқадилар-да, бу калтабинлик, тўпорилик маҳсулини томошабин ёқтирмай бурнини жийириб кетса, гўё ҳеч қандай фавқулодда ҳодиса бўлмагандек, уни саҳнадан олиб ташлаб, яна боягидай бегам, бефарқ юраверадилар. Оқибатда, халққа катта маънавий озуқа бериши лозим бўлган хайрли тадбирлар учун ажратилган талай-талай пуллар ҳавога сочилади, бутун коллектив неча ойлаб қилаган оғир меҳнат зое кетади.

Хўш нимага бундай? Нимага бундайлиги маълум. Ўшандай томошахоналарнинг ижодий ё маъмурий раҳбарлари бир маҳалдаги каттами-кичикми муваффақиятларид а н гурурланиб, кўзларини мой бостириб қўядилар. Улар эртаги куннинг талабини, бу кунги томошабинларнинг ҳозирги талабини ҳисобга олишни унутадилар. Ўзларини ҳаммадан ҳам зўр санъаткор деб ўйлаб, ўзларига ёқадиган, ўзларини ҳайратга соладиган нарсаларни саҳнага чиқаришга ўтадилар. Ана шундай ҳолларда томошабинлар ё ўрнидан туриб кетадилар, ё ғала-ғовур қилиб, ўзларининг норозилигини билдирадилар.

Мана энди айтинг, фикри тўмтоқ, савияси паст, диди расво ашулачи, артист ё режиссёр зиммасидаги бурчини қандай қилиб бажарсин! Қайси санъатни, қайси маҳорати билан томошабинни мафтун этсин! Йўқ, санъат кўлмак эмас, бир ерда турибмоғорламайди, у ҳаракатда, жараёнда, олға, янги-янги жилваларга, юксакларга интилишда бар-ҳаёт.

Аммо, «янги-янги жилваларга интилиш» деган сўз — эстрада жанридаги баъзи ғарб-параст артистлар оғига сиғиб кетган қилиллашга интилиш, деган сўз эмас, албатта. Ашулани ё чолғуни томошабинни хурсанд қиладиган бир меъёрдаги шўхчанлик, хушҳазм бир сиполик билан ижро қилиш бошқа-ю, тўйларда, отарларда бир нима ундириш ҳаракатида қи-линадиган сурлик, шилқимлик бошқа.

Маълумки, инсон туйғулари хилма-хил. Севги ҳисси каби энг нозик туйғудан , тортиб, йиртқич хирси қаби энг баттарин жазавагача бўлган ҳис-туйғуларни учратиш мумкин инсон табиатида. Нозик ҳис ҳам, даҳшатли жазава ҳам ташқи таъсир маҳсули. Ашулачи ё чолғувчи ўзи ижро қиладиган нарсасини томошабинда қандай ҳис уйғотиш истагида эканига қараб ифо этади. Чиройли адо, чиройли ҳаё билан ифо этилган ижро томошабинда яшаш истагини орттириб, унинг қалбига олам-олам гўзалликлар олиб кирса, шилқимлик, беҳаёлик билан ифо этилган ижро томошабинда ҳаёсиз қилиқлар, ҳайқириқлар, оҳ-воҳлар уйғотиб, ундаги тубан, жирканч хирслар жиловини бўшатиб юборади. Бу аҳволда санъат ваҳшатга айланади.

Тошкент Давлат университети юридик факультетининг студенти ўртоқ С. Қосимов «Тошкент оқшоми» редакциясига ёзган хатида худди шу масалани кўтаради.

«Воқеа Свердлов номли залда бўлди, —деб ҳикоя қилади хат муаллифи.— У ерда филармония артистларининг концерти бўлаётган эди. Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган артист Олмахон Ҳайитова ашула айтиб туриб қилган қилиқлари билан бизни жуда ҳайратда қолдирди. Ижро маҳалида ашулага ҳеч алоқаси бўлмаган аллақа н д а й «оповлар» чиқариб, гоҳ кўзларини қисиб, гоҳ қошларини учириб тагдор имолар қилар, санъат кишисига, айниқса унвонли артистга ярашмайдиган бу шилқим қилиқлар залда ўтирган томошабинларни ўз хулқларининг салбий томонларини кўрсатишга ундар эди. Баъзи ёш-ялангтоғи хирсий жазавани кўриб, опамиз ҳам авж қилиб бордилар. Энди у киши ўзларини «Ўлдим!», «Куйдим!»ларидан уялмаса! Е тавба, ашулани шундай енгилтаклик билан ижро қилиш санъат шаънига доғ эканини наҳотки Олмахон билмаса?».

Ариқдан сув ичадиган одам унга ахлат ташламайди. Бировдан яхшилик кўрган одам унга ёмонлик қилмайди. Қонунлар мажмуасига кирмаган одамгарчилик одати бу. Санъат даргоҳида обрў топиб, шу санъат орқали эл кўйга тушиб, фалончи бўлган одам санъатни пул топиш одатига айлантирса, унинг пок юзига тамаъ, нафс кири билан булғанган қўлини урса, билингки, у одам ҳеч қачон санъатнинг нималигини фаҳмламаган, унинг пок даргоҳини сидқидиллик билан тавоф қилмаган, ана шу табаррук даргоҳда эгзғу, энг муқаддас тилакларини қалб қўйига солмаган нотавондир. Тўйларда, базмларда чаккаларига пул қистирсалар, буни санъат шаънига нисбат деб билмай, дўппилари тагидаги қисим-қисим пулларини халқ кўзида беорлар-ча чўнтакка уриш, санъаткорлик иззатнафсини хор қилиши лозим бўлган бу пасткашликдан ҳақоратланиш ўрнига хурсанд бўлиб лаб-лунжини тирмайтириш — санъатни чаканасига ҳам, улгуржисига ҳам сотишдир.

Санъат чайқов бозори эмас, у одамларда эстетик завқ туғдирадиган, одамни инсоний туйғулар руҳида тарбиялайдиган таълим даргоҳи. Бу даргоҳга чайқовчилар, отарчилар учун йўл йўқ, улар кириб-чиқиб турган эшик-тешикларни тақа-тақ беркитилиши лозим. Ана шунда, ўртоқ Қосимов, Олмахонни ҳам, бошқасини ҳам саҳнада бемаъни қилпанглови масхарабоз қиёфасида эмас, юксак идеалли ҳақиқий санъаткор чеҳрасида кўрасиз. Зеро артист масхарабоз эмас, у улуғ ғоялар ташувчи, юксак идеал сари чорловчи санъаткордир! Ана шу ҳақиқатни унутган санъаткорнинг масхарабозга, отарчига айланиши эса бир баҳялик йўл! Бу йўл санъаткорни абгорликка, шармандаликка, тушкунликка, ҳаромхўрликка гирифтор қиладиган кўп ифлос йўл!

Мирзакалон ИСМОИЛИЙ

АРТИСТ МАСХАРАБОЗ ЭМАС

● ТАНҚИД ВА ТАҚРИЗ

НАВОИЙ МАДҲИ

НАВОИЙ ижодини севмаган, уни ўзининг устози демаган, улуғ шоир образини назмда чизишга жазм этмаган бирорта ўзбек шоирини топиш қийин, албатта. Ҳа, Навоий сиймоси ўзбек шоирлари ижодидан ҳам марказий ўрин олди. Натижада улуғ шоримиз ҳақида ўзбек шеъриятида ўнлаб бадиий дурдоналар яратилди. Ғ. Ғуломнинг «Алишер», «Шоир қабри устида», «Тун билан тонг», Ойбекнинг «Алишер» (шеър), «Навоий» (поэма), «Гули ва Навоий» достони, М. Шайхзоданинг «Навоий» (баллада), Мир-темирнинг «Ўлмас сиймо», «Бахшининг айтганлари», С. Абдуллани-нинг «Устоз Навоий», «Чор девон», Ҳабибийнинг «Устоз», «Улуғ зот», М. Бобоевнинг «Устод» ва «Занжирланган шеър», Қ. Муҳаммадийнинг «Азиз бобом» ва бошқа ёш шоирларнинг Алишер Навоий ҳақидаги қатор шеърий асарлари шулар жумласидандир.

Бу асарларнинг кўпчилиги Навоийнинг 525 йиллик юбилейи муносабати билан нашр этилган «Навоийни куйлаймиз» шеърий тўпламдан ўрин олган. «Навоийни куйлаймиз» Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси К. Яшин таҳрири остида чиққан. Тўпламни шоир Холид Расул нашрга тайёрлаган.

Мазкур тўпламга ўзбек адабиётининг кейинги бўғинига мансуб бўлган Ҳусниддин Шарипов, Сайёр каби шоирларнинг ҳам Навоий ҳақидаги шеърлари киритилган.

Тўпламга кирган талантли совет шоири Ғафур Ғуломнинг «Алишер» сарлавҳали шеърида ҳақиқий даҳо, ҳақиқий талант эгаси Алишер Навоий сиймоси фалсафий фикрларга бой мисраларда бутун борлиғи ва ғўзаллиги билан ёрқин ифода этилган.

Юксак тоғ оралаб ўкирган шернинг
Наърасига тенгдор акси садоси.
Беш юз йил янгради тоғдай Ватанда
Буюк Алишернинг асрий индоси.
Она сутидан ҳам азиз нарса йўқ,
Боғир-форсий — сийна; арабчада — садр.
Кўкрак сути билан боққан ўғлини
Она юрт халқлари қилмоқдадир қадр.

Шу сатрларданоқ, шеърият мулки султонининг улуғвор қудрати ҳам, унинг ўз халқи ва Ватанига ҳақиқий фарзандлик бурчини ўтай олганлиги ҳам, бунга жавобан шоирнинг мана беш асрдирки меҳнаткаш омма томонидан севиб ардоқланиши ҳам ёрқин тасвир этилган, натижада Навоий сиймоси ўзининг барча олижаноб фазилатлари билан ўқувчи кўз ўнгида қад кўтаргандек бўлади.

Автор Навоий образини яратар экан, «Навоий қадрини била олмаган — «олтинланган қаср» — Навоий даври —XV аср тарихий муҳитидаги зиддиятларни ҳам, кўрсатиш билан «Ильичнинг юз минг вольт чироғи ёниб, Бойқаро саройин шомлари ўчди» бугунги кун — коммунизм асрида Навоий идеали рўёбга чиққан даврда меҳнатсевар халқнинг ўз севикли шоирига чексиз муҳаббати ва сўнмас ҳурматини ҳам теран мисраларда акс эттиришга алоҳида эътибор берган.

Беш юз йил ҳурматинг сақлаган ўзбек
Кеча туғилдинг деб фараз қилади.
Етук кишиларни яна минг йиллар
Халқ фарзанд атайди, жондан беғараз.

Умуман, севимли ўзбек шоири Ғ. Ғуломнинг «Алишер» сарлавҳали шеъри Навоийнинг ҳақиқатан ҳам буюк шоир, нодир истеъдод эгасилигини, унинг оламшумуллигини чуқур фалсафий мисраларда ёрқин ифода этиши билан қимматлидир.

М. Шайхзода «Ўртоқ Навоий» балладасида Алишер Навоий ҳаётининг энг сўнгги йиллари —бутун куч ва ғайратини шеъриятга бағишлаган даврини қаламга олган. Бунда автор икки инсон А. Навоий ва Ҳусайн Бойқаро образларини яратар экан, Бойқаронинг анча нозик шоир, аммо маишатга берилган инсон ва ҳукмдорлигини кўрсатиш билан унинг талантли ижодкор, зулм ва адолатсизликнинг ашаддий душмани эканлигини ҳам ёрқин тасвирлайди.

Балладада Алишер Навоий ва Ҳусайн Бойқаро образлари контраст приёмида кўрсатилган. Автор Ҳ. Бойқаро образини яратар экан, унинг қиёфасидаги фазилат ва камчиликни аниқ акс эттиришга эришган.

Яна мастдир Султон Ҳусайн Бойқаро,
Кеча кўп қоронғу ҳатто ой қаро,
У ҳам зуваласи нозик шоирдир.
Ғазаллар тўқишда анча моҳирдир.

каби сатрларни ўқир эканмиз, унинг зуваласи пишиқ, нозик шоир, аммо ҳаётининг сўнгги даврида кўпроқ кайфи-сафога, маишатга берилган ҳукмдор инсон қиёфаси кўз ўнгимизда намоён бўлади. Бойқаро манерасидаги ушбу хусусиятлар қаршисида эса Алишер Навоийнинг ажойиб фазилатлари янада ёрқинроқ кўзга ташланади. Яшашдан мақсад халқ учун ижод қилиш, янги-янги поэтик асарлар яратишда деб билган, катта қудрат ва талантга эга бўлган «шоирлар шоҳи» Алишер Навоийнинг қиёфасини акс эттиришга М. Шайхзода алоҳида эътибор беради ва шоир манерасига хос бўлган муҳим моментларни шундай сатрларда ифода этади.

Файласуф шоирдир, ҳикматпараст у,
Унга ёр Афлотун, Луқмон, Арасту.
Ўзишар Низомий ўзтоки ила Ҳисравла, Саъдий — Шерози ила.

А. Навоий нодир талантгина эмас, балки зулм ва адолатсизликка қарши бутун вужуди билан курашган, зулмга чек қўйиш йўларини ахтарган, аммо бунга эриша олмаган гуманист инсон ёрқин мутафаккир ҳамдир.

Шунингдек, балладада зулм ва адолатсизликни ўзига қурол қилиб олган золим бек ва амирларнинг улуғ шоир ва инсонга бўлган салбий муносабатлари ҳам. Навоийнинг ўз душманларига шафқатсизлиги ҳам ёрқин кўрсатилган. Асар хотимасида эса автор шундай хулосага келади:

Эй ўртоқ Навоий, зўрсан йириксан,
Сен тирик шоирсан, руҳан тириксан.
Сен ўзбек халқининг ўлмас виждони,
Миннатдор элингнинг соғ граждани.

Ҳа, Алишер Навоий ўзининг халқ манфаати йўлидаги адолатли ишлари учун ўз даврида чуқур ҳурмат ва иззат ўрнига зулмга дуч келганлигига қарамай улуғ шоир, буюк мутафаккир сифатида мана беш асрдан ўзоқроқ муддат дунё халқлари ўртасида ардоқланиб келмоқда. М. Шайхзоданинг «Навоий» балладаси шеъриятда Навоий образини анча пухта ифода этилиши билан диққатга сазовордир. Шу сабабли ҳам баллада ёзилганидан бери чорак аср ўтишига қарамай, бугунги кунда ҳам халқимиз томонидан севиб ўқилмоқда.

Тўпламдаги бошқа шеърларда ҳам Навоий характерининг баъзи қирралари, ўзига хос аниқ ифодасини топган.

Ў. ШОКИРОВ,
филология фанлари кандидати.

ПЛАНЕТАМИЗ ЯНГИЛИКЛАРИ

ЯНГИ ГЭС

БЕЛГРАД. (ТАСС). Югославиянинг ғарбий жанубидаги Дебар шаҳри яқинида қурилган янги «Шпиле» гидроэлектростанциясида ўрнатилган уч турбинадан биринчисини синаб кўриш учун ишлатиш бошланди. Унинг қуввати 70 минг киловаттга яқин. Қолган икки турбина ҳам тез фурсатда ишга тушади. Электр станциясининг 105 метр баландликдаги тўғони катта сунъий кўл вужудга келтирди. Бу кўлнинг суви турбиналарни ҳаракатга келтирибгина қолмасдан, шу билан бирга кўпинча сувсизликдан қақраб қолаётган теварак атрофдаги далаларни ҳам суғоради.

«Шпиле» станцияси бошқа иккита энергетика объекти, 110 километр узунликдаги юқори вольтли электр линияси билан боғланган. Янги гидроэлектростанция ҳар йили 400 миллион киловатт соатга яқин электр энергия ишлаб чиқаради.


ТОШҚИН ОҚИБАТЛАРИ

ТУНИС. Қарийб беш ҳафта муттасил ёғган жала республика экономикасига оғир зарар етказди. Матбуот уни Тунисда шу асрда бўлган энг катта табиий офат, деб атамоқда. Сув балоси беш юз кишини нобуд қилди, 132 минг киши бошпанасиз қолди, экономикага етказилган умумий зарар 35 миллион долларга боради. Расмий маълумотларга кўра, мамлакатнинг қишлоқ хўжалик районларида 55 минг уй вайрон бўлди. Республиканинг жанубий ва шарқий областларида ниҳоятда оғир аҳвол вужудга келди, бу ерда неча юз минг бош қорамол ҳалок бўлди. Тунисининг муҳим деҳқончилик дарахтлари — миллион-миллион туп зайтунзорлар пайхон бўлди. Деҳқончилик қилинаётган минг-минглаб гектар ерни сув босди, неча юз километр темир йўл ва тош йўлларини сув ювиб кетди.

Тунис ҳукумати тошқин оқибатларини тугатиш юзасидан чоралар кўраётир. Тиклаш ишлари бошланди. Юқумли касалликлар тарқалиш хавфи борлигидан аҳолини ёппасига эмлаш компанияси ўтказилмоқда.

Қўшни Жазоирда тошқин бундай кўламга етмаган бўлсада, худди шунга ўхшаш вазият вужудга келди. Олти ҳафта ёққан жала мамлакатнинг жанубий районларида темир йўлларни бузиб юборди, экономикага жиддий зарар етказди. Бу зарар 126 миллион Жазоир динарига боради, деб чамаланмоқда. 63 минг киши бошпанасиз қолди, 80 га яқин киши ҳалок бўлди, 30 минг уй вайрон бўлди.

(ТАСС).



ЛОНДОН. Илгари мана бу уйда инглиз прогрессив органи «Джастис» («Адолат») редакцияси жойлашган эди. Бу уйнинг хоналаридан бирида 1902-1903 йилларда В. И. Ленин «Искра» нашрлари устида ишлаган. ТАСС фотохроникаси.

СОВЕТ АНСАМБЛИ ПОКИСТОНДА

КАРОЧИ. Қизил байроқли Туркистон ҳарбий округининг ашула ва рақс ансамбли Карочига келгач, Покистон — Совет дўстлиги жамияти аъзолари учун ўзининг биринчи концертини берди. Дўстлик уйининг томоша залида мингдан зиёд киши —ишчилар, хизматчилар, жамоат, касаба союз ва давлат ташкилотларининг намоёндалари тўпланди. Томошабинлар совет артистларини зўр самимият билан кутиб олдилар.

Ансамбль Карочида бир неча марта концерт бергандан кейин мамлакат бўйлаб сафарга чиқади ва Покистоннинг йирик шаҳарлари Лаҳор, Равалпинди, Пешовар ва бошқа шаҳарларда концерт беради.

(ТАСС).

МЕҲНАТ ВА КАПИТАЛ

«УНОСА» компаниясининг дирекцияси икки шахтани ёпиб қўйиш тўғрисида қарор қабул қилган эди. Шу қарорга жавобан Леон(Астурия) шахтёрларининг 30 октябрда бошланган забастовкаси Испаниянинг янги районларига ҳам ёйилди. 3000 га яқин шахтёр ўз ўртоқлари билан бирдам эканликларини изҳор қилиб, ишларини тўхтатди. Механизаторларнинг қаттиқ талабларига қарамай, компания маъмурияти ана шу икки шахтани очишдан бош тортди.

* * *

Металлургия ва машинасозлик саноати ишчилари федерациясининг даъвати билан Париж районидаги корхоналарнинг металлистлари «Талаб ҳафтаси»ни ўтказа бошладилар. Бир қанча намойиш ва забастовкалар ўтказиш, шунингдек ишчиларнинг делегацияларини корхона эгалари ҳузурига юбориш ва иш ҳақининг оширилишини ҳамда меҳнат шароитининг яхшиланишини талаб этиш мўлжалланади.

* * *

Покистонда мамлакатдаги энг йирик «Валика» концерни тўқимачилик фабрикаларининг ишчилари иш ташладилар. Улар иш ҳақининг оширилишини, шунингдек меҳнат шароитининг яхшиланишини талаб қилмоқдалар. Карочи портчилари ва газ саноати ишчилари касаба союзлари иш ташловчиларнинг талабларини қўллаб-қувватладилар.

(ТАСС).

ҒАЛАБА САРИ ЙЎЛИМИЗ

ЯҚИН вақтларда Чехословакия халқи ўз ватанининг гитлерчилар оккупациясидан озод қилинганига 25 йил тўлган кунни нишонлайдилар. Планетамизда инсониятнинг энг ёвуз душманини тормор қилишда ҳал қилувчи ҳисса қўшган Советлар мамлакати бўлгани учунгина ана шу байрамни ўтказиш мумкин бўлиб қолди. СССР мавжуд деган фактнинг ўзи энг бошидаёқ ҳамма рангдаги кишилар учун буюк илҳомлантирувчи намуна бўлди, уларни ғўзал келажак, социализм учун курашга даъват этди.

Шу нуқтаи назардан қараганда мустақиллигимиз тикланганининг 25 йиллиги толеимизга яраша ғалабамиз 25 йиллиги билан бир вақтга тўғри келиб, босиб ўтган йўлимизга кўз солиш, Чехословакияда социализм ривожланиши ҳақида мулоҳаза юргизиб кўриш учун сабаб бўлади. ЧССРда янги ижтимоий муносабатлар тантанасининг ҳал қилувчи шартларидан бири, ҳеч шубҳасиз, Улуғ Октябрь социалистик революциясидир.

Дунёда ишчи-деҳқонларнинг биринчи давлати пайдо бўлиши билан ер юзида реакция ва тараққиёт кучларининг нисбати кескин ўзгарди. Жаҳон империализми танҳо ҳукмронлигининг умри тугаганлиги реал бўлиб қолди. Европа халқлари буни биринчи бўлиб сезишди. Октябрнинг тарихий шиорлари кўҳна қитъамизнинг кўпгина мамлакатларидаги воқеаларнинг боришига чуқур таъсир этди. Россияда революциянинг ғалаба қилиши эзилган халқларнинг, айниқса кичик халқларнинг азалги орзуларини амалга ошириш учун қулай шароит юзага келтирди. Унинг равшан ифода этилган синфий характери ва империализмга қарши йўналтирилганлиги меҳнаткашларнинг бутун дунёдаги ҳаракатини тўлқинлантириб юборди.

Табиийки, Октябрь собиқ Австрия-Венгриядаги жамоат ҳаёти ва ишчилар ҳаракатига бирданига ва жуда кучли равишда таъсир этди. Уша вақтдаги режимдан норозилик чинакам оммавий тус олди.

Чех ва словаклар масаласини Ўрта Европадаги социалистик революция негизида тубдан ҳал этиш истиқболларининг юзага келиши дунёни титратган 10 кунга бевосита берилган акс садо бўлди. Совет Россиясида тузилган Чехословакия коммунистик ташкилоти шундай программани илгари сурди. У бу программани амалий иш билан — Қизил Армиянинг Чехословакия интернационал бўлинмасини юзага келтириш билан мустаҳкамлади. Чехословакиялик 12000 қизил аскар граждан урушининг турли фронтларида ёш Совет давлатини босқинчилардан мудофаа этиб жанг қилди. Улар Забайкалье, Ўрта Волга, ва Сибирда Колчак тўдалари, жанубда Деникин ва Врангель армияларига қарши бўлган жангларда ўзларини яхши танитдилар. Чехословакия коммунистлари Қизил аскарлар билан бир қатор жойларда (Липяг ёнида, Пенза, Самара, Бузулук, Омск, Владивостокда) Улуғ Октябрь ва граждан уруши саҳифаларига унутилмас саҳифалар ёзиб қолдирдилар. Совет Россиясида чиниққан бу кишиларнинг роли Чехословакиядаги революцион ва коммунистик ҳаракат тарихида ҳам жуда катта.

Мустақил Чехословакия Республикаси юзага келтирилгандан кейин тобора кўпроқ ишчилар Октябрь революциясини пролетариатнинг ўз истиқболлари борлигини, унинг социал масалаларни узил-кесил ҳал этиш имкониятларига эга эканлигини кўрсатиб турувчи ҳақиқий далил деб қабул қила бошладилар. Улар пролетар синфнинг марксизм-ленинизм байроғи остида революцион асосда қайта ташкил топиши учун керак бўлган шароитлар Чехословакияда мавжуд эканлигини тушуна бошладилар.

Чехословакияда оммавий Коммунистик партия ишчилар синфи онглилигининг Октябрь таъсири туфайли ўсиши натижасида юзага келди. 1921 йил майида марксча сўл қанот аниқ кўзга ташланиб қолди. Бу ишда Россиядан қайтиб келган чех ва словак коммунистлари катта роль ўйнади.

...1938 йил сентябри. Чехословакия ўз тарихида қора кунларни бошидан кечирарди. Мюнхенда унинг бундан кейин давлат сифатида яшаши ёки яшамаслиги ҳал қилинаётганди. Уша вақтда Совет Иттифоқи Чехословакия мустақиллигини ҳимоя қилиб чиққан бирдан-бир мамлакат бўлди ва унга реал ёрдам беришга тайёр эканлигини билдирди. Буржуазия Праги бу таклифни рад этди. Бироқ Мюнхен фожиаси бизнинг халқимизда из қолдирмай кетмади. У халқимизга келажак учун яхши сабоқ бўлди. 1943 йилнинг 12 декабрида дўстлик ва ўзаро ёрдам ҳақида СССР билан тузилган Шартномани имзолаётганимизда биз Мюнхенни эсга олдик. Бу ҳужжат СССР ва Чехословакия халқларининг дўстлиги ва ҳамкорлиги ривожлана бошлашига асос бўлди. Бу дўстлик Октябрь ғалабаси учун олиб борилган кураш кунларидагидек, иккинчи жаҳон уруши йилларида ҳам қон билан мустаҳкамланди. Чехословакия бўлинмалари Соколов ёнида, Киев, Харьков, Белая Церковь, Дукла ёнида Совет қўшинлари билан бирга жанг қилди. Совет Иттифоқи ҳам Словакия миллий қўзғолони вақтида ватанпарварларга ўз навбатида катта ёрдам кўрсатди. Прагага ёрдамга келган Совет қўшинларининг машҳур май ҳужумлари натижасида (1945 йил) Чехословакия халқларининг фашизмга қарши олиб борган миллий озодлик кураши тўла ғалаба билан тугади.

Чех ва словак халқлари 1945 йил майи ва 1948 йил февралидан кейин социализм қуриш йўлига қадам қўйдилар. В. И. Ленин таълимоти ва Улуғ Октябрь сабоқлари уларга ишончли компас бўлиб хизмат қилмоқда.

Мила ЧЕРМАКОВА.
Чехословакия публицисти.
Прага.
(АПН — Прагопресс).

ҒАЛАБА БИЛАН ТУГАДИ

Венесуэладаги Америка пойафзал компанияси «Унироял» ишчиларининг уч ойдан кўп давом этган забастовкаси ғалаба билан тамом бўлди. Меҳнаткашлар иш ҳақининг оширилишига эришдилар. Пойафзал саноати ишчилари касаба союзининг баёнотида таъкидлаб ўтилганидек, ишчилар забастовка давомида юксак жанговарлик намуналарини кўрсатдилар ва пул билан сотиб олиш йўлидаги ҳар қандай уринишлар ва тахдидларга йўл қўймадилар. Забастовканинг муваффақиятли ўтганлиги Венесуэлани ўз мустамлакаси деб ҳисоблаётган монополиялар яна бир марта мағлубиятга учраганлигидан далолат беради.

(ТАСС).

МАМЛАКАТЛАР, ОДАМЛАР, ОДАТЛАР

«ДАҲШАТЛИ» КАЛАХАРИ ОДАМЛАРИ

Кичик тошбақалар косасидан қошиқ сифатида фойдаланадилар. Эввойи ҳайвонлар терисидан кийим тикадилар. Зебра пайлари ип вазифасини ўтайди. Туяқуш суягини тош пичоқ билан тешиб игна ясайдилар. Бушменлар ҳатто баъзи савдогарлар тери, туяқуш тухуми ва тошбақа косасига алмаштириш учун олиб келадиган металл ўқ-ёйларга нисбатан ўзлари кийик шохидан тайёрлайдиган ўқ-ёйни афзал кўрадилар. «Бу ўқ заҳарни ўзига яхши сингдириб, узоқ вақт сақлайди» — деб тушунтирди овчилардан бири.

Қабила бошлиғи ер тўласи яқинида бир тўда қизилоқлар туяқуш тухуми пўчоғини тош билан янчишарди. Менинг яқин келишимдан мутлақо уялмай, улардан бири қулиб, бўйнимга кичкина оқ халқалар боғламини — бушмен мунчоғини осиб қўйди. Бу мунчоқлар туяқуш тухумидан тайёрланади. Зираклар, узуклар ҳам шу тарзда тайёрланади. Бушмен аёлларида атир ҳам бўлади. Атир — гул ва ўтлардан тайёрланади. Калахарида ўсадиган бир хил ўсимликнинг уругини туйиб, упа тайёрлайдилар.

Овқатланиш вақти етди, қизлар ўз «бойликлари»ни қумга кўмиб, катталар олдига югуриб кетишди. Цзинчхан ҳам ўша ерга жўнади. Уни аёллар саҳродан олиб келган чигирткани тақсимлашга чақирган эдилар.

ЧИГИРТКА ШОДЛИК КЕЛТИРАДИГАН ЖОЙДА

Қишлоқ ўртасидаги кичкина майдонда гулхан ёниб турибди. Қишлоқнинг бутун аҳолиси — 6 оила, 29 киши шу ерга тўпланди. Бушменлар камдан-кам катта тўда бўлиб яшайдилар. Чунки бундай қийин шароитда кўпчилик тўйиб овқатланаолмайди, ўзини сув билан таъминлай олмайди.

Цзинчхана чигиртка тўла мешларни диққат билан кўздан кечиргач, уларни бўшатишни буюрди. Чигирткаларни бир жойга уйиб қўйишди. Цзинчхана «шунча кўп яхши, тотли овқат» келтирганликлари учун аёлларга қарата «миннатдорчилик нутқи» сўзлади. Сўнгра катта тошбақа косасини олиб (чамаси у ўлчов асбоби ҳисобланарди) чигирткани тақсимлай бошлади. Биринчи бўлиб овқатни топиб келган аёллар чигиртка олишди. Сўнгра кексалар улардан кейин овчи эркаклар ўз улушини олди. Ҳамма жим ўтирар ўз навбати келишини кутарди. Фақат ёшлардан баъзиларигина ўз улушларини олиши биланоқ, ҳамма гулхан атрофига тўпланишини кутиб ўтирмай, қувноқ рақсга тушиб, бу танқис овқатни иштаҳа билан ея бошларди: чигирткаларнинг оёғи ва қанотларини узиб ташлаб, ҳали қимирлаб турган серёғ танасини оғзига соларди.

Бу кишилар табиатни жуда яхши билишлари, сезилар-сезилмас белгиларига қараб ўзлари учун озиқ-овқат, сув топишлари, ўзлари учун зарур бўлган ҳамма нарсани шу саҳродан топабилишлари ҳайратланарлидир. Бушменлар қум устида арқон бўлиб қатнаётган чумолиларга қараб шу ерда ейиш мумкин бўлган илдиз борлигини билиб оладилар. Бута устида чирқиллаб юрган қушзчи деган кичкина қушчага қараб қаердадир шу яқин орада асалари инии борлигини сезадилар. Ёмғир ёғиб ўтади, лойқа оқим қумни ювиб кетади ва жойларнинг кўриниши ўзгаради. Ана шундай бир пайтда бу ердан нима топиш мумкин. Аммо қишлоқнинг бутун аҳолиси каттадан-кичигигача қўшни қум тепаликка шошилади. У ерда яшайдиган чумолилар ёмғирдан сўнг ўзлари тўплаган донни қуритиш учун олиб чиқади. Бушменлар бу донни тўплаб: бўтқа тайёрлайдилар. Худди шу мақсадда улар «бушмен гуручи» — чумоли ва термитларнинг тухумини йиғадилар. Шиллиқ қурт ва қуртлар, емишли илдизлар ва барглар, илонлар ва ҳашаротлар — ҳаммаси овқат ҳисобланади.

Шунга қарамай, очлик — Калахари одамларининг доимий йўлдоши. Шунинг учун ҳам овчилар катта кийик ёки зебрани отишга муваффақ бўлсалар, уни шу жойнинг ўзидаёқ бир ўтирганда бир неча килограммдан еб тугатадилар. Агар бушменларнинг бундай қобилияти бўлмаганда очликдан ўлиш хавфи остида қолган бўлардилар. Чунки ов қилинган ҳайвонлар гўшти тезда бузилади. Кийик ёки зебрани эса отиш осон эмас. Бундай базм ва очликда ҳаёт кечиришда табиатнинг ўзи бушменларга ёрдам беради. Катта ёшдаги бушменларнинг қорни гармон каби чўзилади.

— Ҳар бир бушмен ёшлигидан турли белгиларга қараб, яъни ўсимликлар, қумнинг ранги, қум устидаги тузга қараб, сувни қидириш ва топишга ўрганади,— деб ҳикоя қилади Цзинчхан.

— Эсимда бор, у вақтда мен ёш эдим. Цумебе конларида ишлардим. Корхонага сув зарур бўлиб қолди. Оқ танли бошлиқлар бир неча кун саҳрони кавлашди, ҳеч нарса топишаолмади. Кейин улар сув қидираётганини мен ва бошқа бушменлар билиб қолдик ва қаерда сув борлигини кўрсатиб бердик. Ўшанда оқ танли катта бошлиқ бизга бир яшчик пиво ва кўп тамаки берди.

— Ер ости сувни топиш мумкин бўлмасачи?— деб қизиқдим мен.

— Унда жуда ёмон бўлади, жуда ёмон,— деб жавоб берди бошини сарак-сарак қилиб қишлоқ доноларидан ҳисобланган Дзадцно. — Эсимда, ўғлим туғилган йили жуда жазирама бўлган эди. Ўғлим юриб кетди, тили чиқди, болалар билан ўйнай бошлади. Лекин шунгача ҳам ёмғир ёғмади. Ўшанда Цзинчхана ҳамма одамларни тўплаб, энди нима қиламиз, деб сўради. Биз ўзлари юра олмайдиган қарияларни қолдириб, ўзимиз узоқ-узоқларга, окаванголар яшайдиган ботқоқлик томонга кетдик.

Калахари унда яшайдиган кишиларнинг фарзандлари сонини ҳам чегаралаб қўяди. Банту қабиласида ҳар бир оилада 10-12 фарзанд бўлса,. бушменларда 2-3 фарзанд бўлади. Бушменлар орасида кўп хотинлилик сира учрамайди. Чамаси буниинг сабаби шундаки, бушменлар орасида аёллар эркакларга нисбатан 10-15 процент камроқ. Аёллар организми саҳро қийинчиликларига бардош бера олмайди. Кўп оналар туққандан сўнг ўлиб кетадилар. Бушмен, хотини туғмасагина бошқа хотин олиши мумкин.

Бушменларда шахсиятпарастлик, «ўзим бўлай» дейиш, жамият манфаатларига зид иш қилиш мутлақо йўқ. Ўз қабиласидан ажраб қолган киши Калаҳарида омон қолмайди. У коллективнинг бир аъзоси бўлиши керак.

— Қишлоқда бирор кишн ўз овини ширса ёки ҳамма билан баравар мева теришга боришни истамаса нима қиласизлар?— деб сўрадим Цзинчханадан.

— Бундай киши билан гаплашмай қўямиз,— деб жавоб қилди чол.— Лекин мен бундай воқеани эслай олмайман.

Бундай ўзга хос тарбиявий «яккалаб қўйиш» ҳар қандай жазодан ҳам оғирдир.

КАЛАХАРИ АФСОНАЛАРИ ВА РАҚСЛАРИ

Бушменлар яшайдиган жуда катта территорияда бирорта ҳам мактаб йўқ. Ҳаётнинг ўзи улар учун «университет», қадимий поэтик эртаклар ва афсоналар уларнинг «дарслиги» дир. Ов тугаб, барча хўжалик ишлари битказилгач, кечқурун Цзинчхана гулхани атрофида ёшлар тўпланади. Ҳатто бизнинг келишимиз ҳам бу одатни буза олмади. Қабила бошлиғи аввал янгиликларни сўраб билди, намуна кўрсатганларни мақтади, дангасаларни койиди, сўнгра ўз ҳикоясини бошлади. Бушмен фолклори қабила этикаси, ов тартиб-қоидалари, халқ тарихи ва унинг урф-одатлари ҳақидаги ўзига хос билимлар мажмуасидир. Мана Цзинчхана гулхани атрофида айтилган ана шундай ривоятлардан бири.

— Қадим замонда ҳамма одамлар бабуин эди. Улар дарахтлар устида яшар, ерга тушиб овқат йиғар, ҳеч нарсани ўйламас ва шохдан-шохга сакраб қувноқ яшашарди. Аммо бир куни уларнинг қийқиришни эшитиш Улуғ Арвоҳнинг жонига тегди. У ҳамма бабуинларни тўплаб, ерни суғориш учун кўп сув келтиришни буюрди. Баъзи бабуинлар унинг буйруғини дарҳол бажаргани кетдилар, бошқалари қувноқ ўйинларини давом эттиришди.

Ерни суғорабошлаган бабуинларни Улуғ Арвоҳ одам ларга айлантирди. Уларга ер, омоч, уруғлик ва иш ҳайвонларини бериб, «сизлар экин экасизлар, шу тариқа ўзингизга овқат етиштирасизлар, деҳқончилик қиласизлар» деди.

Шундан сўнг яна бир тўда бабуинлар сув олиб келишди. Улуғ Арвоҳ уларни ҳам одамга айлантирди. Уларга қўтослар ва эчкилар совға қилди, яйловлар берди ва «сизлар ҳайвонларни кўпайтирасизлар, шу туфайли очдан ўлмайсизлар. Сизлар чорвадор бўласизлар» деди.

Лекин сув олиб келмаган, бақириб-чақирнб ўйнаб юрган бабуинлар ҳам бор эди. Улуғ Арвоҳ уларни тўплаб бундай деди. «Бақиришларингиз жонимга тегди. Сизларни ҳам одамга айлантираман. Лекин сизлар сув олиб келмадингиз, ташна ерни суғормадингиз, ердан ўсимликлар унишига ёрдам бермадингиз. Шунинг учун сизлар саҳрода яшайсизлар, топган нарсангизни еб овқатланасизлар». Кунлар ва Калаҳаридаги бошқа халқлар шу тариқа пайдо бўлган.

Илдизлар, ҳашаротлар, катта ва кичик ҳайвонлар, туяқуш ва тошбақа, асал ва чумоли — биз ейдиган нарсаларнинг ҳаммасини бизга Улуғ Арвоҳ берган. Заҳарни ҳам биз Улуғ Арвоҳдан олганмиз. У илонни ўз олдига чақириб, огзидан бир томчи сариқ суюқлик олиб, уни ўққа суртган, сўнгра ёй ясаб, дарахтга қараб отган.

(Давоми бор).

(Давоми. Боши газетанинг 263-сонида).

ДАСТУРХОН ЗИЙНАТИ

НИШОЛДА

Қозонга шакар ва сув солиб қиём пиширасиз ва уни оловдан олиб ҳовурини чиқарасиз.

Етмакни (баъзилар буни «беҳ» деб ҳам атайдилар) тозалаб, майдалаб чойнакка соласиз-да, устидан 1 пиёла сув солиб қайнатасиз ва етмак қайнаб чиққандан кейин уни докадан ўтказиб мис қозонга солиб бир оз совутасиз, устига тухумнинг оқини чақиб солиб, чилчўп билан аралаштирасиз. Етмак суви билан тухумнинг оқи яхшилаб қориштирилгандан кейин оппоқ кўпик ҳосил бўлади, бунга тайёрлаб қўйилган қиёмни қуйиб аралаштиришни давом эттирасиз. Тайёр бўлган нишолданинг туси оппоқ бўлиб, махсус ёғоч қуракчани ботирсангиз чўзилиб чиқади. Нишолдани татиб кўрсангиз, кристаллашган шакарнинг қумоқ-қумоқ бўлганлиги сезилиб туради.

Нишолданинг қиёми оқ кўпикдан ажралиб, идиш остига чўкмаган бўлиши керак.

Тамини яхшилаш мақсадида ғчшолданинг қиёми пишгач, жавҳарлиму ва ваннлин қўшасиз. Нишолданинг қиёми учун: 0,5 килограмм шакар, 0,5 литр сув, пичоқ учида жавҳарлиму ва ваннлин керак бўлади. Кўпиртириш учун 2 та тухумнинг оқи ва 20 граммча етмак кетади.

БОЛ ҚАЙМОҚ

Асални идиши билан оловга тутсангиз у суюлади. Қаймоқни бирор идишга солиб ўтга қўясиз-да, аралаштириб турасиз. Қаймоқ қайнагандан кейин ёғи юзига кўтарилади. Қаймоқни шу пайтда эрнган асалга қўшиб аралаштирасиз. Бол-қаймоқ қуюқроқ бўлсин десангиз бир оз ун ҳам қўшасиз. Таом иссиқ ҳолатида истеъмол қилинади.

Болқаймоқ учун: 2 стакан қаймоқ, 0,5 стакан асал, 1 ош қошиғида ун керак бўлади.

ҚУВВАТИЖОН

Асал ва сариёғни алоҳида идишларда эритиб, уларни бирбирига қўшиб, ёғоч қуракча билан қуюқ-суюқлиги бир хил бўлгунча аралаштирасиз.

Таом дастурхонга нонга суртиб ейиш учун тортилади.

Қувватижонга: 300 грамм асал, 500 грамм сариёғ керак.

К. МАҲМУДОВ.

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

РЕКЛАМА ва ЭЪЛОНЛАР Т.О.

РАДИО

11 НОЯБРЬ СЕШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 «Ўзбекистон колхозчилари анжумани» (русча). **18.10** С. Юдаков «Поэма-рапсодия». **19.20** Ўзбекистон радиоси халқ чолғу ориестрининг концерти. **20.00** «Ёшлик» радиостанциясининг программаси. **21.00** Халқаро мавзуларда суҳбат (Ўзбекча). **21.10** Пахтакорлар учун концерт. **22.20** Пахта теримида қатнашаётган шаҳарликлар учун эшиттириш ва концерт (русча). **22.40** «Севимли ёзувчилар радиокутубхонаси». С. Моэм ҳикоялари (Ўзбекча). **23.15** Ўзбек классик куйлари.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

19.00 М. Горький. «Хон ва ҳонзода». Инсценировка қилинган ҳикоя (Ўзбекча). **19.30** Совет Армияси жангчилари учун концерт (русча). **20.00** Дала меҳнаткашлари учун концерт (тожикча). **20.30** Қорақалпоқ куйлари. **21.00** О. Ёқубов. «Гвардиячи капитан» деган ҳикояси (Ўзбекча). **21.40** Москва.

12 НОЯБРЬ ЧОРШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН КОЛХОЗЧИЛАРИ СЪЕЗДИ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

6.15 Тонгги концерт. **8.25** «Оқ олтин» мамлакати қўшиқлари. **9.30** «Халқ талантлари». Қишлоқ бадиий ҳаваскорларининг концерти. **9.50** «Ўзбекистон колхозчиларининг катта анжумани» (тожикча). **10.10** Эстрада куйлари. **11.15** «Съезд делегати» деган очерк. **11.30** Кинофильмлардан куйлар. **13.30** Шу кунниинг қўшиқлари. **14.00** Ўзбекистон колхозчиларининг республика анжумани. **15.15** Назармат. «Шарқ гули» радиокомпозицияси (Ўзбекча). **16.10** «Чет эл классик куйлари танланган саҳифалари». Композитор Франц Шуберт. **16.50** «Правда» газетасининг обзори. **18.00** «Қишлоқ жамоли» деган эшиттириш (русча). **18.10** А. Том операларидан парчалар. **18.40** Спорт эшиттириши (русча). **19.00** ЎЗБЕКИСТОН КОЛХОЗЧИЛАРИ СЪЕЗДИ ДЕЛЕГАТЛАРИ УЧУН САНЪАТ УСТАЛАРИ ИЖРОСИДА КОНЦЕРТ. Санъат саройидан олиб эшиттирилади.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

8.25 Чет эл мамлакатлари эстрадаси артистларининг концерти. **19.00** Ўзбек артистлари ижросида ғарб композиторлари операларидан парчалар. **19.20** Шеърият дафтари. «Меҳнат аҳлига шарафлар» (русча). **20.00** «Ўзбекистон ишчиси» радиожурнали. **20.30** Саноат ходимлари учун концерт. **21.00** Халқаро мавзуларда суҳбат (Ўзбекча). **21.10** Пахтакорлар учун концерт. **22.20** Пахта теримида қатнашаётган шаҳарликлар учун эшиттириш ва концерт (русча). **22.40** Шеърият кечаси (Ўзбекча). **23.15** Колхозчилар съезди делегатларининг талабларига мувофиқ концерт.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

14.00 Татар куйлари. **14.30** К. Чандр. «Мусоффо осмон» романи асосида радиопостановка (Ўзбекча). **16.00** Ўзбекистон композиторларининг оркестр куйлари. **17.00** Ш. Рашидов. «Бўрондан кўчли» радиопостановкаси (русча).

ТЕЛЕВИЗОР

11 НОЯБРЬ СЕШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

18.00 Болалар учун. «Она Ватан». Иккинчи кўрсатув (Ўзбек тилида).

Рус тилида: 18.35 Болалар учун мультфильм. **18.45** Телевизион янгиликлар. **19.00** Зарбдор Олмалиқ қурилишида. **19.20** «Иккинчи истеъдод». Сурхондарё область бадиий ҳаваскорларининг концерти (Ўзбек тилида). **20.00** Джон Патрик. «Мугомбо Севидж ҳоним». М. Горький номидаги Давлат Академик рус театрининг спектакли (рус тилида).

Ўзбек тилида: 22.00 Телевизион янгиликлар. **22.15** «Олтин водий». Ўзбекистон колхозчиларининг съездига бағишланган махсус сони.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА
ЎҚУВ КЎРСАТУВЛАРИ ПРОГРАММАСИ

Рус тилида: 18.00 10-синф ўқувчилари учун кимёдан. «Каучукни синтез қилиш проблемаси». **18.30** Ўқитувчи экрани. **18.50** 9—10-синф ўқувчилари учун факультатив курс. «Эстетика асослари». Ҳаёт ва санъатда «Ғўзаллик ва ҳунуклик». **19.25** 10-синф ўқувчилари учун физикадан. «Электрон нур трубкаси». Ўқув фильми.

МОСКВА КЎРСАТАДИ

19.55 Кўрсатувлар программаси. **20.00** Янгиликлар. **20.15** Қишлоқ саҳнасида. **21.00** Мактабгача ёшдаги болалар ва кичик ёшдаги ўқувчилар учун. «Ажойиб нарвон». **21.30** Ленинча миллионлар университети. Илмий коммунизмнинг актуал масалалари. «Ҳозирги замон революцион жараёни ва назарий проблемалари». Иккинчи кўрсатув. **22.00** Рангли телевидение программаси. Концерт. **23.00** «Физкультура ва спорт». Тележурнал. **23.30** «Вақт» информацион программаси. **00.15** Москва кўрсатувларининг охири.

12 НОЯБРЬ ЧОРШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

17.55 Кўрсатувлар программаси. **18.00** Рус тилида телевизион янгиликлар.

Ўзбек тилида: 18.10 Болалар учун. «Ажойиботлар оламига саёҳат». **18.45** Ленинча меҳнат вахтасида. **19.00** Санъат саройидан Ўзбекистон колхозчилари съезди қатнашчиларига бағишланган концерт олиб кўрсатилади. Танаффус вақтида телевизион янгиликлар.

МОСКВА КЎРСАТАДИ

21.55 Европа чемпионлари 1|8 финали бўйича футбол. «ДИНАМО» (Киев) — «ФИОРЕНТИНА» (Италия). Ўйин Киевдан олиб кўрсатилади. Танаффус вақтида ва сўнггида янгиликлар. **24.00** «Правда» ҳар қачон гидек ўз вақтида босмадан чиқади. **01.00** Рангли телевидение программаси. «Қўшиққа саёҳат». **02.00** Москва кўрсатувларининг охири.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

17.55 Кўрсатувлар программаси.

Рус тилида: 18.00 Болалар учун, «Циркуль, қалам, доиралар». Кинофильм. **18.15** «Здоровье» Илмий-оммабоп программа. **18.50** Меҳнат ветеранлари куйлайдилар. **19.30** Рассом ва замон (Ўзбек тилида).

МОСКВА КЎРСАТАДИ

19.55 Кўрсатувлар программаси. **20.00** Янгиликлар. **20.15** Классик куйлардан концерт. **21.00** Колхозчиларнинг Бутуниттифоқ III съезди олдидан. Эфирда «Молодость».

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Ўзбек тилида: 21.55 «Лўли». Бадиий фильм.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА ФРУНЗЕ КЎРСАТАДИ.

Қирғиз тилида: 18.00 Экран — болаларга. **18.10** «Нафосат оламида». **18.30** Вақт, воқеалар, хроника. **18.40** «Олатов» студиясининг кўрсатувлари. **19.10** Қишлоқ меҳнаткашлари учун концерт. **19.45** Янгиликлар. **19.55** Кўрсатувлар программаси.

Рус тилида: 20.00 Москва. Янгиликлар. **20.15** Фрунзе. Экран — болаларга. **20.25** Концерт. **21.00** Илмий-оммабоп фильм. **21.20** Муҳим тема ҳақида баҳс. **21.35** Янгиликлар. **21.50** Кўрсатувлар программаси.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРДА — 11|XI да **Аида**, 12|XI да **Лайли ва Мажнун**.

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 11|XI да **Мирзо Улуғбек**, 12|XI да **Аямонларим**.

Кино

11 ноябрда

Ҳалокат (1 ва 2-серия) — «СПУТНИК», «ЎЗБЕКИСТОН», «ВОСТОК», «МОСКВА», «ДРУЖБА» (кечқуруи), САНЪАТ САРОЙИ (кеч соат 8.45 минутда).

Тоғ қоясидаги трагедия — «ЧАЙКА», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», НАВОИЙ номли (кечқуруи).

Угрюм-река (3 ва 4-серия) — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кечқуруи).

Жоду севги — САНЪАТ САРОЙИ (кеч 7 да).

12 ноябрда

Ҳалокат (1 ва 2-серия) — «СПУТНИК», «ЎЗБЕКИСТОН», «ВОСТОК», «МОСКВА», «ДРУЖБА» (кундуз ва кечқуруи).

Тоғ қоясидаги трагедия — «ЧАЙКА», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», НАВОИЙ номли, «МОСКВА» (кундуз ва кечқуруи).

Қонун номидан — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқуруи).


ШАҲАР ВОДОПРОВОДИ, КАНАЛИЗАЦИЯСИ, АБОНЕНТЛАРИ, ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ, КОРХОНА ВА МУАССАСАЛАР ДИҚҚАТИГА!

Водопровод ва канализация тармоқлари ҳамда қурилмаларидан маҳаллий саноат ишчилари касаба союз Марказий комитети ва коммунал хўжалиқ томонидан тасдиқланган «Хавфсизлик техникаси қоидаларига» қатъий амал қилинган ҳолда фойдаланиш керак.

Кўчалардаги қудуқларнинг люкларини очиш ва унинг ичига тушиш «Водоканал» трестининг водопровод ҳамда канализация тармоқлари ишчиларидан бошқа ҳамма кишилар учун

ҚАТЪИЯН ТАЪҚИҚЛАНАДИ

ВОДОПРОВОД ВА КАНАЛИЗАЦИЯ ҚУДУҚЛАРИДА ЗАҲАРЛИ ГАЗЛАР БЎЛИБ, ИНСОН ҲАЁТИ УЧУН ХАВФЛИДИР.





ОБУНА «СОЮЗПЕЧАТЬ» КОНТОРАЛАРИ БЎЛИМЛАРИ ВА АЛОҚА БЎЛИМЛАРИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНМОҚДА.

ОБУНА БАҲОСИ 6 ОЙГА 3 СЎМ, БИР ЙИЛГА 6 СЎМ.

ТОШКЕНТ «МИКОНД» ЗАВОДИГА

ҳамма разряддаги токарлар ва слесарлар, силлиқловчилар, оператор ёрдамчилари, операторлар, кесувчилар, шиша қайнатувчилар, сочувчилар, лакировкачилар, дастгоҳчилар, созловчилар

КЕРАК

шунингдек турли касбларга 1—2 ой ўқитиш муддати билан 18 ва ундан катта ёшдаги йигит ва қизлар қабул қилинади. Ойига 40 сўм стипендия берилади. Ҳамма ишчиларга йиллик мукофот берилади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Уста Ширин кўчаси, 123-уй (10, 14-автобуслар, 10-троллейбусининг «Трактор йигув заводи» бекати).

ТОШКЕНТ ХЛАДКОМБИНАТИГА

тайёр маҳсулотлар омборн **ишчилари ва омборчилари, мороженое фабрикасига хотин-қизлар** (ишга ишбай асосида), стаканчилар тайёрловчи **хотин-қизлар** (ишбайга), **электр монтёрлар, компрессор цехи машинистлари, курувчи ишчилар, ишчилар** (ишбайга)

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Ҳамза райони, Воровский кўчаси, 6-уй, кадрлар бўлими (5, 7, 12, 26-автобусларнинг «Винзавод» бекати). Телефонлар 66-24-05, 66-24-07, 66-24-09, 66-34-64.

«УЗЭНЕРГОСБИТ»

ҲАММА ИСТЕЪМОЛЧИЛАРГА

МАЪЛУМ ҚИЛАДИКИ, сутканинг ёруғ вақтларида уй, ҳовли, магазин, корҳоналарнинг ташқи электр чироқларини, шунингдек корхона, ташкилот, билим юртлари ва магазинларда иш тугаганидан сўнг навбатчи чироқдан бошқа ҳаммаси

УЧИРИБ ҚУПИЛИШИ

КЕРАК

Сутканинг ёруғ вақтида электр энергиясидан фойдаланиш, огоҳлантирилмасдан электр энергиясини узиб қўйиш билан жазоланади.

УЗБЕКИСТОН ССР ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШИ МИНИСТРЛИГИ

«УЗСЕЛЬСТРОЙДЕТАЛЬ» ТРЕСТИНИНГ ЭКСПЕРИМЕНТАЛ РЕМОНТ-МЕХАНИКА УСТАХОНАСИГА

йирма темир-бетон бўйича **бош инженер, қозон-бўғхона бошлиғи,** 4, 5, 6 разрядли **электр пайвандчилар,** 4, 5, 6 разрядли **электр монтёрлар,** ускуналар ремонти ва металл конструкциялари тайёрлаш бўйича 3, 4, 5, 6 разрядли **слесарлар, кранчилар,** 4, 5 разрядли **бульдозерчилар** ва **экскаваторчилар,** 5, 6 разрядли **токарлар,** ҳамма разряддаги **бетончи** ва **арматурачилар,** 4, 5 разрядли **фрезерчилар,** 4, 5, 6 разрядли **кочегарлар, ёрдамчи ишчилар**

КЕРАК

Маош ишбай ва вақтбай-мукофот тариқасида тўланади. Бўйдоқларга ётоқхона, оилаларга 2 йиллик муддатда квартира берилади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Бектемир посёлкаси-1, Охунбобоев кўчаси, 3-уй (7-автобуснинг «Қўйлиқ», 102 нинг «9-автобаза» бекати).

В. И. ЛЕНИН НОМЛИ ТОШКЕНТ ЭЛЕКТРОН ТЕХНИКА ЗАВОДИГА

«МПС—1» машинасида печат қилувчилар, ҳамма ихтисосдаги қурувчилар, электр монтёрлар, электр слесарлар, ускуналар ремонти бўйича ва тунукасоз слесарлар, графитчилар, газ пайвандчилар, фрезерчилар, шоферлар, автослесарлар, токарлар, холодильник станцияларн автбатчилари, кислород қурилмалари аппаратчилари, монтажчилар, йигувчилар, синовчилар, контролёр, гардеробчилар, лифтёрлар, юччилар, ёрдамчи ишчилар

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Пролетар кўчаси, 13-уй, кадрлар бўлими (1, 2, 3, 4, 5, 12, 13, 14, 18-трамвайлар, 1, 3, 9, 10, 11, 6, 4-троллейбуслар, 1, 2, 3, 25, 58-автобусларнинг «Дизельнал» бекати).

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ 4 БЕТ. 11 НОЯБРЬ, 1969 й.

«ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ» орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: Тошкент шаҳар Дзержинский кўчаси 15-уй. Редакция телефонлари Коммутатор—33-02-49 дан 33-02-58 гача, редактор ўринбосарлари 33-29-33, 33-29-09, масъул секретарлар—33-27-22, партия, совет ва касаба союз ташкилотлари, шаҳар кўзалиги бўлимлари—33-29-42, адабиёт—санъат ва маданият бўлимлари —33-29-55, хатлар ва оммавий ишлар, 33-29-70, фан ва олий ўқув юртлари, иллюстрация бўлимлари — 33-27-57, саноат, транспорт ва қурилиш бўлимлари—33-27-03, ахборот бўлими —33-65-57 эълонлар бўлими —33-81-42.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.

Индекс 64578.

НАШР 2899.

Р — 04784.